

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM
VAZIRLIGI
O'ZBEKISTON DAVLAT SAN'AT VA MADANIYAT INSTITUTI
KINO, TELEVIDENIE VA RADIO SAN'ATI FAKULTETI
“SAN'ATSHUNOSLIK VA MADNIYATSHUNOSLIK” KAFEDRASI**

“Ajabtovur tijorat”

kinossenariy

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

Bajardi: 5150200-San'atshunoslik
(Sahna va ekran san'ati dramaturgiyasi)
ta'lim yo'nalishi 4 kurs talabasi
Ahmedjonov Muzaffar

Kurs raxbari:
“San'atshunoslik va madaniyatshunoslik”
kafedraasi dotsenti, O'zbekistonda xizmat
ko'rsatgan jurnalist, kinodramaturg
E.A'zamov

Ilmiy rahbar:
“San'atshunoslik va madaniyatshunoslik”
kafedraasi katta o'qituvchisi
F.M.Abduvohidov

Bitiruv malakaviy ishi kafedradan dastlabki himoyadan o'tdi.
_____ sonli bayonnomasi «_____» _____ 2016 yil

TOSHKENT – 2016 y

МУНДАРИЖА

1. Битирув малакавий ишининг тахлили.....	3
2. Асарнинг тўлиқ шакли.....	28
3. Фойдаланилган адабиётлар.....	54

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Кириш

Кино санъатининг илк қадамлари адабиёт билан боғлиқ бўлди. Кинематографиянинг қалдирғоч арбобларини дастлаб катта-кичик жанрдаги адабий асарларнинг сюжет қурилиши, фабуласи қизиқтиради. Юзлаб саҳифалардан иборат бўлган эпик асарлар, мураккаб сюжетли драматик асарлар, шу билан бирга оддий қўшиқлар мазмуни ҳам экранда ўзининг қисқагина – бир неча минутлик ифодасини топади. Кинонинг мустақил санъат сифатида шаклланиши даврида ўз услуб ва воситаларига эга бўлган адабиётнинг тажрибаси унга қўл келади. Масалан, роман ва драмада воқеалар кетма-кет, изчиллик билан баён этилади. Шарқ миниатюраси дурдоналарида қатор воқеалар даврий изчилликка аҳамият берилган тарзда тасвирланади. Буюк Навоий бадиий сўз дурдоналари билан ҳаракатни, ранг ва тусларни, турли манзараларни тасвирлайди. Қадимги Афросиёб деворларидаги расмлар бир-бирларини мазмунан тўлдириб яхлит композиция ташкил этади. Навоийнинг ўлмас дostonлари – “Фарҳод ва Ширин”, “Сабъаи сайёр” да турли рангдаги қасрларга берилган тавсиф китобхонга эстетик завқ берибгина қолмай, маълум драматургик вазифани ҳал этишга ҳам ёрдам беради. Ана шу тавсиф Шарқ миниатюраларида ҳаётий нафис бўёқда, турли композицияларда қайта жонланади.

60-йилларда адабий сценарийга бўлган эҳтиёж ортиб кетди. Икки студия - “Ўзбекфилм” ва ҳужжатли ҳамда илмий-оммабоп фильмлар киностудияси ишлаб чиқараётган асарларнинг ўсиши, турли жанрдаги ленталарга кичик экран сари йўлланма берадиган “Ўзбектелефильм” студияси ташкил этилиши туфайли сценарийга бўлган ташналик янада равшанроқ сезилди. Кинонинг сценарийга бўлган эҳтиёжини қондириш ниятида турли жанрдаги ва ҳажмдаги мустақил адабий асарларга ҳам мурожаат этилди.

Худди ана шу даврда, яъни адабий асарларни экранлаштириш жараёнида икки санъат ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланди. Кинодраматургия катта адабиётнинг услуб-воситалари билан бойиди.

Кино – синтетик санъат. Муаллиф илгари сурган фикр драматик сюжет, яхлит образ, маънодор тасвирий воситалар орқали талқин этилади. Сценарийчи ҳар бир эпизод, персонаж устида ишлар экан, кинематография воситаларидан фойдаланиш йўллари излайди. Ана шундагина у кинонинг барча компонентларидан ўринли фойдаланишга, сўз билан ифодаланган характерлар тўқнашувини пластик воситалар, актёрлар ва оператор рассом санъати билан ҳам кучайтира олади. Синтетик санъат “сирларини” англаган ёзувчи сценарий фабуласини чизишда, воқеалар содир бўладиган жойни танлашда, образларнинг таъсир кучини оширишда, маънодор пейзажларни тасвирлашда ихчам – кинопанора драматик композиция танлай олади, ҳаракатчан кинокамерани фақат кузатувчи ва воқеаларни бефарқлик билан лентага туширувчи эмас, балки кадрма-кадр динамик равишда ривожланиб бораётган воқеаларнинг қатнашувчиси, уларнинг психологик мотивларини ҳам равшан формада тасвирловчи жонли, сезгир аппаратга айлантиради. Натижада актёр ижод қилиши учун қулай муҳит туғилади. Етарли драматургиявий “юк” билан таъминланган ҳар бир актёр учун муаллиф яратган муҳитда ўз қаҳрамонининг ички кечинмалари, психологик ҳолатларини ҳаётий чизиқлар, маънодор воситалар орқали очишга имконият туғилади.

Театр ва кино асарлари томошабинни ўз ортидан эргаштириши керак. Ҳамда инсон руҳиятига йўл топиб, қалбларда ҳаётга муҳаббат уйғота оладиган, уни эзгиликка, кези келганда жасоратга ундайдиган, кайфиятини яхшилашга куч-қудрат бахш этадиган руҳият ўчоғи бўлмоғи лозим.

Кинода турмушнинг соҳта тафсилотлари билан, кўзбўямачилик қилиш билан шуҳрат қозониб бўлмайди. Агар ўзбек санъати тарихига бир назар ташласак, жаҳон кино санъати билан беллашадиган ўзбекфилмлари жуда кўп.

Ҳозирги сурагга олинаётган киноларнинг бир нуқсони – кўпроқ ёшлар ҳаётига бағишланяпти, ишқ-муҳаббат мавзуси доирасида чегараланяпти.

Айни шу ўринда “Ишонч” газетасида чоп этилган Ўзбеккиноси: санъат зўрми, саноат!?” мақоласидаги таниқли адиб ва кинодраматург Эркин Аъзам билан бўлган суҳбатда айтилган фикрларни келтириб ўтиш жоиз:

“Санъат тушунчаси бўлмаса, кино деган гап ҳам бўлмас эди. Аввало у, албатта, санъат тарзида борлиқ одамлар ва ҳодисаларни ҳаракатдаги тасвири сифатида ҳаваскорлик иши бўлиб дунёга келган. Қизиқ-қизиқ воқеаларни тасвирга олиб, одамларнинг ўзига кўрсатиш дастлаб мўжиза сифатида баҳоланган. Кейинчалик ушбу санъат турини ривожлантириш воситаси сифатида кино санъати юзага келган. Дастлабки киностудиялар “кино фабрикаси” деб номланган, яъники – корхона! Фабрика эса маълумки, бир ҳил маҳсулот ишлаб чиқаради. Санъат – ноёб ҳодиса эканини назарда тутилса, бир ҳил маҳсулотга айлангач, у оммалашади, оммалашган нарсанинг эса ноёблиги қолмайди. Санъат ва саноат. Гарчи бу икки тушунча шаклан оҳангдош бўлса-да шубҳасиз, санъат бирламчидир. Чунки санъат бўлмаса, саноат юзага келмас эди. Фақат кинода эмас, ҳар қандай саноат маҳсулотининг яратилишида, асл негизида биринчи навбатда санъат, кашфиёт, ижод – демакки, тасаввур ва тафаккур ётади. Кейин эса ўша ижод намунаси ёппасига ишлаб чиқарила бошлайди. Боиси маълум: саноат ишлаб чиқаришсиз ўз маъносини йўқотади, шаблонга кўчириш эса санъатнинг камёб ҳодиса сифатидаги кўркига путур етказади.

Чинакам санъат асари ҳамиша янги бўлади. Янги қараш, янги услуб, янги нафас бўлмаган асар санъатга даҳлдор эмас”.

Кинодраматургия ўз хусусиятига кўра, адабий ҳамда кинематографик шаклга эга: мустақил бадиий қийматга эга, кинематографик асар сифатида яратилажак филмнинг мазмунини ва қурилишини ифода этади. Кинодраматургиянинг шаклланиш даври мураккаб жараён бўлиб, у асар ёзишдан бошланиб, монтаж столида тугайди. Овозли кино юзага келгач, инсон характери очиқ беришдаги асосий воситалардан – диалог муҳим рол

ўйнади. Кино санъати имкониятларининг кенгайиши кинодраматургиядан ҳаётни янада чуқурроқ ўрганишни, уни янада мураккаб ва ранг-баранг тасвирлашни тақозо этади. Кино тараққиётининг бошланғич босқичида кинодраматургия жанрлари (саргузашт, комедия, мелодрама ва бошқалар) маълум даражада чегараланган бўлиб, замонавий мавзу кам ёритилган. Ҳозир эса кинодраматургия асарлари хоҳлаган жанрда ёзилиб, кўплаб филмлар яратилмоқда. Ўзбеккино драматургияси проза кўламини, драма ўткирлигини, поэзия жозибасини, тасвирий санъат ёрқинлигини, мусиқа равонлигини ўзида мужассамлаштирди. Ҳозирги кунда тарих, тарихий шахслар ҳаёти, миллий қадриятлар акс этган ёки ёш авлодда Ватанига, халқига, ота-онасига меҳр-муҳаббат туйғусини уйғотадиган кинодраматургия долзарб мавзу бўлиб қолди.

Кино асарнинг дунёга келишидаги илк асос унинг адабий негизи – сценарий ҳисобланади. Муаллиф эсақаҳрамонлархарактерини очиб беришда, сценарийнинг бадиий жиҳатдан мукамал бўлишида ҳал қилувчи томондир.

Сценарий муаллифдан ҳам, уни экранда жонлантирувчи режиссёрдан ҳам жуда катта меҳнат ва маҳорат талаб этади. Сценарий бадиий асарларнинг барча турлари қатори муҳокама қилинади ва нашр этилади.

Сценарий ёзишнинг муҳим жаҳатларидан бири бу муаллифнинг сўз устида ишлашидир. Театрдан фарқли ўлароқ, кинода сўздан тежаб-тергаб фойдаланилади, чунки кўп нарсалар кинода тасвир воситалари орқали ифодаланади. Кинода сўз барча кинематографик ифода воситалари билан мустаҳкамланади ва у худди театрдаги каби қаҳрамон феъл-атворини очиб беради. Хатти-ҳаракат учун туртки бўлиб хизмат қилади, сахна ва ҳар бир эпизоднинг вазиятини ҳамда руҳиятни акс эттиради. Қаҳрамон тилининг ўзига хослиги актёрга ўзи ижро этадиган образ устида ишлашида қўл келади, унинг ички оламини тушуниб олишда кўмаклашади.

Сценарийнинг сўзи устида ишлаш кино драматург ижодидаги энг мураккаб жараёндир. Қаҳрамонлар нутқидаги монологлар ва савол-жавоблардаги ҳар бир сўз қатъий ишланган бўлиши зарур. Сўз қаҳрамон

хатти-ҳаракат беагани эмас, балки, таъсирчанлиги билан унинг ички ғалаёнлари, кечинмаларини ўзида мужассам этиши лозим. Бадий юки бўлмаган кўп сўзлик кинога тўғри келмайди. Ҳатто монологлар қисқа-лўнда ва туб маъноли бўлиши керак. Акс ҳолда роль қизиқарли чиқмайди. Сценарийда, сўнгра филмда сўз ўз мантиғига эга бўлмоғи ва унинг ҳар бири катъий заруратдан келиб чиқиб ишлатилмоғи керак. Бусиз сўз кино асарда ўз маъносини йўқотиб, воқеалар ривож, қаҳрамонлар характеридаги шиддатни тўхтатиб қўяди. Бадий филмда матн экран ортидан жаранглаши ҳам мумкин. У одатда воқеаларни, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларини шарҳлайди, тушунтиради. Бундай нутқ эса филмга, демакки томошабинга ҳам кўтаринки руҳ бағишлайди.

Сўз ва тасвирнинг боғлиқлиги – кино санъатнинг бошқа турларидан фарқ қиладиган муҳим жиҳатларидандир. Филм яратиш жараёнларида, жаҳон киносининг мумтоз назарий асарларида ҳамда киношунослар тадқиқотларида бу масала кўп ўрганилган. Кинода сўз билан тасвир боғлиқлигининг тўлақонли ижодий ечимига эришиш филмнинг кинематографик савияси ва бадий таъсирчанлигини белгилайди.

Бугунги кино билан боғлиқ кўп муаммоларни адабий асос – яхши киносценарийлар тақчиллиги билан изоҳлайдилар. “Бугун ҳам, келажакда ҳам кино асарини ўзининг адабий асоси сценарийсиз яратиб бўлмайди. Айрим услубий йўналишлари, шакллари ўзгариши мумкин, лекин бадий кинода энг муҳими инсон ва унинг тақдири”.¹

Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги вақтда кинофилмлар санъатига режиссёрлар томонидан ката эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли, эндиликда маълум халқларнинг маданияти, урф-одати ва қадриятларини ёйишда айнан шу соҳага қўл урилмоқда. Шу боис, халқларнинг бадий асарларда акс эттирилган бой, миллий ва тарихий мерослари “зангори экран”га кўчириляпти ва баъзи режиссёрлар шу йўл орқали маълум “фойда” олиш

¹Абулқосимова Х. Кино санъати асослари. – Тошкент: Ўзбек миллий энциклопедияси давлат миллий нашриёти, 2009. – 96 б.

билан биргаликда шу халқларнинг тарихий урф-одатлари, ҳозирги ҳаётини, анъаналарини, маданиятини акс эттиришмоқда. Ушбу мавзунинг долзарблиги деганда, биз авваламбор, енгил-елпи ва сийқаси чиққан мавзуларни четлаб ўтиб, ўзбек кинематографиясида миллийлигимизни намоён этувчи анъана ва аслий қадриятларимизга, миллий руҳ ва миллий туйғулрга кенгрок аҳамият ва ўрин бериш лозимлиги тушунилади.

Санъатга доир ғоялар, адабиёт ва санъат асарлари табиат ва жамият ходисаларини, инсон ва унинг ҳаётини бадиий образлар, куйлар ва расмлар орқали одамларда гўзалликка, яхшиликка, эзгу ишлар қилишга етакловчи янги-янги ғоялар туғдиради ва шу билан бирга уларда турли иллатларга нисбатан нафратли ҳис-туйғулар уйғотади.

Ҳозирги кунда, бизнинг ёшларимиз учун замонимиз қаҳрамонини ифодаловчи бадиий ва санъат асарлари яратилиши ўта зарур муаммо бўлиб қолди. Бу асарлар Ватанимизнинг буюк истиқболига айланиши учун ёшларимизнинг онги ва қалбида умидбахш гўзал ва улугвор ғоялар келтириб чиқариши айни муддаодир.

Бадиий ғоя – адабий ва кинодраматургик асарнинг асосий маъно мазмунини ташкил этадиган, ундан кўзланган мақсадга хизмат қиладиган етакчи фикрлардир. Улар ҳаётдан олинади, бадиий талқинлар асосида баён этилади, ўқувчида муайян таассурот уйғотади. Қаҳрамонларни севиш, уларга эргашиш ҳоллари ҳам шу асосда рўй беради. У катта таъсир кучга эга бўлиб, шахс руҳиятига таъсир ўтказади, одамларни ҳаракатга келтиради.

Санъат, хусусан кино ҳамиша муайян давр руҳидан озиқланади, шу даврга хос ижтимоий, ахлоқий муаммоларни акс эттиради. Инсонларнинг ҳаётий дунёқараши ва ахлоқи, турмуш тарзидаги ўзгаришлар, йўқотиш, топишларни ракурсларда кузатиш ва кўрсатиш кино санъатининг асосий иш объектига айланди. Бунинг учун муайян долзарб мавзу асос қилиб олинади ва у асосида аниқ бир ғоя, даъват ёки таклифларнинг бадиий шакли ҳосил бўлади.

Ўзбек кино санъатининг ўзига хослиги унда миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларнинг давр руҳи, ижтимоий ва ахлоқий муаммоларни акс эттиришда ўз ўрни ва уйғунлигидадир.

Ота-она ўз фарзандидан ҳеч нарсани аямайди. Уларнинг табиат ато этган буюкликлари ҳам ана шунда. Ўзбек халқи одоб-ахлоқи бўйича кексаларни, ота-онани қадрлаш, уларнинг беўлчов, беминнат хизматига бир умр содик бўлиш, дуоларини олиш-болаларнинг фарзандлик бурчидир. Бу миллий қадриятларимизнинг энг муҳим талабларидан биридир.

Буюк бобомиз Алишер Навоий айтганларидек, “ота-онани ҳурмат қилиш фарзандлар учун мажбуриятдир. Бу иккисига хизматни бирдек қил, хизматинг қанча ортиқ бўлса ҳам кам деб бил. Отанг олдида бошингни фидо қилиб, онанг учун бутун жисмингни садақа қилсанг арзийди! Икки дунёнг обод бўлишини истасанг шу икки одамнинг розилигини ол! Тун-у кунингга нур бериб турган – бирисини ой деб бил, иккинчисини қуёш. Уларнинг сўзларидан ташқари бир нарса ёзма, улар чизган чизиқдан ташқарига бир қадам ҳам босма. Ҳамма хизматни сен одоб билан бажар.“Адаб” сўзидаги “дол” каби қоматингни ҳам қил”.

Ҳар бир фарзанднинг ўзота-онасини эъзозлаши фарзандлик бурчи ва жамият олдидаги масъулияти саналади. Ота-онани эъзозлашнинг шарқона талабларига ҳаммамиз амал қилишимиз ҳам фарз, ҳам қарз.

“Ажабтовур тижорат” киносценарийсида юқорида айтиб ўтилган шарқ халқларига, хусусан ўзбеклар ҳаётига сингиб кетган ва миллийлигимизни намоён этувчи қадриятлар асосидаги воқеа-ҳодисалар акс эттирилган.

Юртимизда эзгу анъаналар доимо халқимизнинг эътиборида ва эътирофидадир. 2014-йил 5-декабрь куни Тошкент шаҳрида Конституциямиз қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишида Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов сўзлаган ўз нутқида, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш борасида кенг тўхталиб ўтган:

“...Мен кириб келаётган 2015-йилга мамлакатимизда “Кексаларни эъзозлаш йили, деб ном беришни таклиф этаман.

Азиз юртдошлар!

Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуг одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди, десак, янглишмаган бўламиз. Соддагина, ўзбекона қилиб айтганда, кексаларга хурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган.

Бир ўйлаб кўрайлик, “қариси бор уйнинг париси бор”, “қариялар-ҳонадонларимизнинг файзи ва фариштаси” деган мақол ва ҳикматли сўзларимизда қандай чуқур маъно бор.

Ҳақиқатан ҳам, қайси ҳонадонда нуроний отаҳон ёки онахон бўлса, бу оилада, албатта, файзу барака, фаровонлик, аҳиллик бўлишини барчамиз яхши биламиз.

Шу боис бугун турли соҳаларда эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўтабар қарияларимизнинг унутилмас ва улкан хизмати борлигини, биз улар олдида умрбод қарздор эканимизни унутмаслигимиз, кўлимиздан келганича уларнинг оғирини енгил, умрини узоқ қилишни ўзимизнинг инсоний бурчимиз, деб билишимиз лозим”.²

Юқорида келтириб ўтилганлардан хулоса қилсак, бизнинг юртимизнинг париси бор. Қарияларимизнинг эъзозланиши бу инсонийликнинг белгисидир. Буни ҳукумат даражасида амалга оширилиши эса ҳукуматимизнинг нақадар инсоний тамойиллар билан иш кўришининг исботидир.

Сценарийнинг қиммати айна вақтда, ота-она ва фарзанд ўртасидаги муаммо ва тафовутларнинг ўзига хос бадиий шаклда акс эттирилганидир.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Шўролар даврида кексаларни, ота-оналарни хурмат қилиш ҳақидаги миллий қадриятларимиз бироз хира торта бошлаган эди. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта

²Халқ сўзи. № 237. 06.12.2014. – 3 б.

жонланди. Бирок, бугунги кунда баъзи ёшларимизда ўзларидан катталарни, нуроний қарияларни ҳурмат қилиш, уларнинг насиҳатларига қулоқ солиш сингари юксак маънавий фазилатлар йўқолиб кетаётгани сезилмоқда. Эҳтимол, бошқа миллат кишилари бунга унчалик эътибор беришмас, лекин биз ўзбеклар буни ҳис қилмай иложимиз йўқ.

Кексалар учун ажратилган уйларда фарзандлари тирик ўзига тўқ бўлган ота-оналар яшаётганлигига тоқат қилиб бўлмайди. Гоҳи-гоҳида бўлса ҳам, ота-онага қўл кўтариш, ундан ҳам оғирроқ жиноят қилиш ҳоллари содир бўлиб турганлигини эшитиб турибмиз! Бу – оддий нуқсон эмас, балки учига чиққан тубанлик, бағритошлик, миллий қадриятларимизни оёқ-ости қилиш, ўз инсонийлигини йўқотишдир. Миллий қадриятларимизга, ўзбек халқининг шаънига доғ тушурадиган бундай ярамас ҳодисалар замини, илдизи, сабаби нимада, деган савол пайдо бўлиши табиий.

Ўзбек фарзандларига ота-онага таом бериш, озода қилиб кийинтириб қўйиш, касал бўлганда шифокорга кўрсатиш, керакли дори-дармонни келтириб бериш, доимо ҳол-аҳвол, сиҳат-саломатликларини сўраб туриш, ота-она олдида “ух” тортмаслик, гердаймаслик хос эмасми?

Бу дунё қайтар дунё, нимани эксанг шуни ўрасан. Ота-онага қандай муомала қилиш фарзанднинг келгуси ҳаёти учун пойдевор қўйиши демакдир.

Шунга кура мазкур битирув малакавий ишим учун улуғ кексаларимиз ҳаёти акс этадиган мавзу танлаб олинди.

Мен танлаган мавзуимни ўрганишда шунга амин бўлдимки, кексалар мавзусида нафақат Шарқ халқлари санъатида, балки Ғарб давлатлари санъатида ҳам ажойиб адабиёт ва кинематография асарларини учратиш мумкин. Бу мавзудаги филмларни ва спектаклларни ўрганиш жараёнида ҳар бир миллат ва элатнинг бу мавзудаги турлича ёндашувини кўрдим. Шарқ халқлари, хусусан ўзбек кино ва театр санъати намуналарида фарзандларнинг кексалар, ота-она олдидаги бурчи ҳам фарз, ҳам қарз эканлиги, миллий қадрият эканлиги яққол намоён бўлади. Қуйида бу мавзудаги бир неча филм ва спектаклларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Ўзбек Миллий Академик драма театрида сахналаштирилган муаллиф Қўчқор Норқобил қаламига мансуб “Тақдир синовлари” спектакли инсонни килмиш-кидирмиши, виждон азоби, тақдири ҳақидадир. Бош қаҳрамон Жайрон ота бугуннинг кун қаҳрамони, тавба-тазарру қилиб синмаган одам. Спектаклда чин инсонни тақдири кўрсатилган. “Тақдир” ҳалоллик ҳақида, ҳаром аралашган ҳаёт албатта талофатга учрайди, деган ғоя илгари сурилган.

Шунингдек, Ўзбек давлат драма театрида Шухрат Қаҳҳор қаламига мансуб “Илҳақ” спектакли сахналаштирилди. Спектаклни кино оламида анча тажрибага эга ва бир қатор филмлари билан томошабинларга таниш бўлган Жаҳонгир Аҳмедов сахналаштирган. Спектакль воқеалари қариялар уйида бўлиб ўтади. Унда қариялар уйига одамларнинг қандай келиб қолгани, ҳар бирининг тақдир йўли тасвирланади.

Ҳинд кино ижодкорлари томонидан суратга олинган “Боғбон” кинофильми барчамизга таниш. Унда ота-она ёши ўтгач фарзандлари эътибори ва меҳрига ташналиги ортиши, бироқ кексайиб қолган ота-она уларнинг ҳаётида ортиқча бўлиб қолганлиги ва фарзандларнинг ота-она юрагига оғриқли зарба беришлари ўзига хос бадий шаклда ифодаланган.

1978-йили Россияда сахналаштилган Ван Дельмар қаламига мансуб “Дальше – тишина” спектакли алоҳида аҳамиятга эга. Фарзандларидан алоҳида яшаётган ота-она банкдан қарзи кўпайиб кетгани боис уларидан маҳрум бўлишади. Уларнинг умиди фарзандларидан. Аммо, фарзандларидан нажот чиқмагач минг ҳасрат билан 50 йил бирга умр кечирган кексалар бири-биридан айрилади. Уларнинг алам ва дардлари, ўткан кунни соғиниб хотирлашлари, умрлари ўз поёнига етиб бораётган бир даврда бир-бирига талпинишлари катта бадий маҳорат билан тасвирланган.

Бу мавзуда “Чол ва набира”, “Сув ёқалаб”, “Қадр” каби кўплаб фильмларни санаб ўтиш мумкин. Буларнинг бари кўплаб томошабинларнинг қалбидан жой олгани шубҳасиз.

“Ажабтовур тижорат” сценарийсида кексалар мавзусида яратилган юқорида санаб ўтилган кинофильм ва спектаклларда кўрсатилган

жихатларни четлаб ўтган ҳолда бошқа бир томонини ёритиб беришга ҳаракат қилдим. Сценарийда кексайиб бораётган ота-она ўзига қайсидир бир меҳнатни овунчоқ қилиб олиши мумкинлиги ва бу билан яқинлашиб келаётган умрининг поёнини унутишга ҳаракати кўрсатилган. Материалларни ўрганишда шунга амин бўлдим. Бу фикрим 34-эпизодда онанинг ўғли билан қилган суҳбатида ўз исботини топади.

Мақсад ва вазифалари. Кино ўтмишни ҳам, ҳозирги кунни ҳам ҳаққоний ва санъаткорона акс эттириб, жамиятимиз маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутди, одамларни тарбиялашишига салмоқли ҳисса қўшади. Ана шунинг учун ҳам ўзбек кинеси изланишларни кенгайтиришга, жамиятда содир бўлаётган ижтимоий жараёнларни янада чуқур ва ёрқин ифодаловчи кинофильмлар яратишга интилиши лозим.

Кино – оммавий санъатнинг энг муҳим бўғинларидан бири. Авваламбор томошабинлар кино санъатидан маънавий озуқа олишга ҳаракат қилади, фильмдаги қаҳрамонлар тақдирдан таъсирланади. Демак, фильм ва унинг адабий асоси сценарийнинг ўз олдига қўйajak мақсад ва вазифалари муҳим аҳамият касб этиши кино санъатининг асосий тамойилларидан бири.

"Сценарий ёзишга эҳтиёж турлича шароитларда пайдо бўлади. Сценарий ёзишга дафатан киришилмайди, бунга бирор бир рўй берган воқеа ёки бирдан пайдо бўлиб, муаллифни тинч қўймайдиган фикр сабаб бўлади".³ Яъни, ҳарқандай асар маълум мақсадларни кўзлаган ҳолда яратилади ва бу мақсадларни амалга ошиши қатор вазифаларга таянади. Ушбу сценарийни яратишдан мақсад аввало шуки, "...барчамизни оқ ювиб, оқ тараган, она юртимизнинг оғир юкини, унинг қувонч ва ташвишини умр бўйи елкасида кўтариб келган мўтабар боболаримиз ва момоларимизни, ота-оналаримизни рози қилиш, уларнинг дуосини олиш - дунёдаги энг улуғ, энг савобли иш..."⁴ эканлигини эслатишдир. Катталарга иззат-икром, ота-онага эъзоз миллатимизнинг аслий қадриятларидан эканлигини унутмаслик керак. Ҳар бир

³ Абулқосимова Х. Кинотеледраматургия асослари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2009. – 9 б.

⁴ Халқ сўзи. № 237. 06.12.2014. – 3 б.

фарзанд ота-онаси олдидаги бурчини доимо ёдда тутиши даркор. Зеро ҳар биримизнинг эришган ютуқларимизда уларнинг ўрни бекиёс. Юқоридаги фикрларга қўшимча қилган ҳолда ушбу ҳадисни мисол келтириш мумкин: "Қайси бир мусулмон фарзанди савдо умиди билан эрталаб ота-онасини зиёрат қилса, Оллоҳ таоло унга жаннатдан иккита эшик очади. Агар улардан биттасини зиёрат қилса, унга жаннатнинг бир эшигини очади. Бола ота-онасидан қайси бирини ҳафа қилса, уни рози қилмагунча, Оллоҳ таоло ундан рози бўлмайди".

Асар композицияси

Экспозиция

Нодирнинг ота-онаси томорқада меҳнат қилишни бошлайди. Катта ишбилармон, бой ва танишлари орасида обрўси баланд Нодир эса бунга қарши. Унинг ота-онаси эса ўғлиларининг қаршилигига қарамай томорқада меҳнат қилишни исташади.

Тугун

Нодир ўз ота-онаси билан бу масалада келиша олмагач, дўсти Элёр билан бу борада нима қилиш мумкинлигини маслаҳатлашади. Бироқ Нодирни ўйлантираётган муаммо ўз ечимини топа олмайди.

Воқеалар ривож

Нодир ота-онаси билан уларнинг шу ёшда ўзларини уринтириб меҳнат қилишлари ва бу ҳолат турли гап сўзларга сабаб бўлаётгани устидан тортишиб қолади. Раънонинг укаси Баҳром опасидан пул сўраб келади. Нодирнинг ота-онаси томорқада етиштирган помидор ва бодрингларни бозорга олиб чиқиб сотишмоқчи эканлигини айтишади. Уларнинг ўртасидаги баҳс кучаяди. Элёр дўстига одам ёллаб уларнинг олиб чиққан маҳсулотларини уларга билдирмай Нодирнинг ўзи сотиб олишини маслаҳат беради. Бу Нодирга маъкул келади. Ишлари яхшилигидан кўнгли тўлган ота-она томорқани кенгайтириш учун ўғлидан пул сўрашади. Қаршилиқ қилишнинг фойдаси йўқлигини тушунган Нодир рози бўлади. Бироқ у йиғиб юрган пул йўқолади. Ойисининг қон босими ошиб шифоҳонага ётади. Нодир бу муаммоларга отасини сабабчи деб билиб жиддий баҳслашишади.

Кулминация

Ота ўз томорқасида ҳаёл суриб ўтирганида Ёқуб тоға келиб унинг бозорга олиб чиқаётган маҳсулотларини аслида ўғли сотиб олаётганини айтиб қўяди. Бир неча кунлардан сўнг Бахром маст ҳолда келиб Нодирга унинг пулини ўгирлаганини айтиб кечирим сўрайди.

Ечим

Отасини ноҳақ ранжитганини тушунган Нодир отасидан узр сўраш учун хонасига киради. Бироқ отаси вафот этган бўлади. Онаси ўғлига пулни ким олганлигини билганликларини, нима учун айтишмаганларини, нима учун меҳнат қилишни истаганларини тушунтиради.

Финал

Томорқада Нодир отасининг ишини давом эттиради.

Асарнинг қисқача мазмуни

Сценарий драма жанрида бўлиб, унинг умумий мазмуни қуйидагича кечади: Ҳашаматли уйда, тўкин-сочинликда яшаётганликларига қарамай Нодирнинг ота-онаси меҳнат қилишни истайди. Ўғлининг қаршилигига қарамай айтган гапларидан қайтмай кичикроқ бўлган томорқада деҳқончилик билан шуғуллана бошлайдилар. Нодир эса буни қабул қила олмайди, одамлар нима дейди, эшитган қулоқ мени ота-онасига қарамай қўйибди, дейди, деган ҳаёллар билан ташвишлана бошлайди. Раъно Нодирнинг хотини. Раънонинг укаси Баҳром опасидан пул сўраб келади. У ишсиз юргани учун опаси унга пулдан ёрдам бериб турган бўлади. Нодир айтганидан қайтмайдиган ота-онасини қандай қилиб деҳқончилик қилмасликка кўндириш мумкинлиги масаласида дўсти Элёр билан маслаҳатлашади. Бироқ дўстидан тайинли бир гап чиқмайди. Нодирнинг ташвиши яна ортади, унинг ота-онаси энди пишган помидор бодринглари олиб бозорга сотиш учун олиб чиқишмоқчи бўладилар. Бу масалада дўсти Элёр ажойиб маслаҳат беради. Ота-онасининг бозорда кун бўйи сотувчилик қилиб ўтиришини ва ўзларини қийнаб қўйишини, турли гап-сўзлар кўпайишини истамаса улардан яшириб одам ёллаб улар олиб чиқадиган маҳсулотни Нодирнинг ўзи улгуржи сотиб олишини ва сотиб олганларини ишхонадаги ошхонага бериши мумкинлигини айтади. Бу фикр Нодирга маъқул келади. Бундан ота-она беҳабар, ишлари яхши кетаётганлигидан хурсанд бўлиб, томорқани кенгайтириш иштиёқи уйғониб ўғлидан ёрдам сўрайди. Буни эшитган Нодир ҳайрон бўлиб қолади, қаршилиқ қилгани билан бефойда эканлигини билади ва ёрдам беришга қарор қилади. Бу орада Баҳром опасидан яна пул сўраб келади. Нодир уйда йиғиб юрган пулини отасига бермоқчи бўлади, бироқ пул йўқолганлигини билади. Отасидан шубҳалангандек бўлгани сабаб отасини ранжитиб қўяди. Нодир офисида ишлаб ўтирганида телефон жиринглайди, гўшакни кўтарганида ойисининг қон босими ошганлиги туфайли шифоҳонада эканлигини билади. Врач ота болага онани эҳтиёт қилишларини, ортиқча ҳаракат ва толиқиш яна бу ҳолни такрорлаши мумкинлигини айтади.

Ойисининг шу аҳволга тушушида отасининг қайсарлигини, қаршилигига карамай деҳқончилик қилишларини сабаб деб билиб отаси билан тортишиб қолади. Отага бу ҳам етмагандек, Ёқуб тоғадан бозорга олиб чиқаётган маҳсулотларини аслида ўғли одам ёллаб сотиб олаётганини билиб қолади. Кечқурун ҳамма ухлаб ётган вақтда дарвоза тақиллайди. Нодир чиқиб қараса Баҳром оёғида тура олмайдиган даражада маст бўлиб турган бўлади. Баҳром кечирим сўрайди ва уйдаги пулни ўғирлаганини тан олади. Бунини эшитиб Нодир отасини ноҳақ ранжитганини тушуниб кечирим сўраш учун отаси ухлаб ётган ҳонага киради. Бироқ, кеч бўлганди. Отаси вафот этган эди. Кунлар ўтиб онаси билан дилдан суҳбатлашиб ўтирганида ойиси пулни Баҳром ўғирлаганини олдиндан билганликларини, куда-андалар ўртасига совуқчилик тушмасин, жанжал бўлмасин деб индамаганликларини айтади. Нодир отасининг қабрини зиёрат қилади. Томорқада отасининг ишини давом эттиради.

Асар қаҳрамонларига ҳарактеристика

Драматург қўлига қалам олиб асар ёзишга киришар экан, унинг олдидаги муҳим омиллардан бири – у яратаётган образлар ҳарактери устида жиддий ёндошувидир. Бу бугунги кунда кинодраматургиянинг бош вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир ҳарактер ўзига хос ва шахсий этиб ёритилиши лозим. Шунинг учун муаллиф ҳарактер қидириши, ўйлаши, инсон табиатидаги такрорланмас қирраларни йиғиши, уларни бирлаштириб, бир-бирига қовуштириб, пайвандлаб, ёрқин, такрорланмайдиган ҳарактер яратиши керак. У кутилмаган қиёфага эга бўлиб, ишонарли чиқиши жуда муҳим. Бу борада сценарийнависнинг ўткир кўзи, теран ақли, ижодий маҳорати катта роль ўйнайди. У мавжуд стандарт қолиплар ва ўрнашиб қолган штампларга жиддий қарши тура оладиган, жасоратли бўлиши зарур. Бундай даражага кўп йиллик тажрибалар, тинимсиз ижодий изланишлар орқали эришилади. Баъзан ижобий қаҳрамонлар, жонсиз, бир хил рангда кўриниб қолади. Салбий қаҳрамонлар ёрқин, эсда қоларлик бўлиб чиқиб қолади. Бу муаллифнинг тажрибасизлиги оқибати. Биз ҳаётнинг асосий қисмини ташкил этувчи ижобий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини яхши ўрганмаганлигимиз натижаси, деб тушунсак мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, асарнинг ғояси экран асарида қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати орқали рўёбга чиқади. Унинг бадиийлигининг муҳим тамойилларидан бири персонажлар ҳарактеридаги табиийлик ва салбий ёки ижобий бўлишидан қатъий назар улардаги ўзига хос табиатга эга бўлиши ҳисобланади. Негаки, “ҳарактерда ёзувчининг кишиларга ва ҳаётга муносабати, ҳаётини ҳодисаларга берган эстетик баҳоси яққол кўринади”.⁵

“Ҳарактер” аслида юнонча сўз бўлиб, хусусият, сифат, белги маъносини англатади. Аристотел ҳарактерлар қандай бўлиши лозимлиги хусусида тўхталиб: Ҳарактер яхши, ўзига хос, ҳаққоний (ҳаётини), изчил бўлиши керак, – дейди.

⁵Иzzат Султон. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 99 б.

“Характер кенг қамровли атама бўлиб, ўз ичига катта маънони олади. Қахрамон ҳам, образ ҳам, персонаж ҳам ўз моҳиятлари билан характерга бориб боғланади ва унинг туб маъносини билдиради. Характерлар динамик тарзда берилади ва шу боисдан ҳам драманинг асосида ётган гуманистик ғоя кўпроқ актёрлар санъати ила ечила боради. Сценарий ва филмда образ, воқеалар ривожини шу мақсадга қаратилган”.⁶

Мазкур сценарийда ҳам ғояни очишга хизмат қилувчи ўзига хос характердаги персонажлар мавжуд. Сценарийда бир неча персонажлар иштирок этсада, улардан Нодир ва унинг ота-онаси, Ёқуб тоға, Баҳром ва Элёр алоҳида характерлари билан воқеалар ривожини ҳаракатлантиради. Уларнинг ҳаммаси бир-бирини такрорламай индивидуаллик касб этади.

Нодир катта ишбилармон ва бой. У яхши фарзанд. Бироқ, ўз обрўси, танишлари олдида ҳамда маҳалла-қўй олдидаги ҳурматига путур етиши, турли гап-сўзлар бўлишидан чўчиб ота-онасини тез-тез ранжитиб қўяди. Уни ташвишга солаётган муаммоларга ечим топаман деб ёмғирдан қочиб жалага учрайди.

Нодирнинг офиси. Нодир ва Элёр суҳбатлашиб ўтиришибди.

Элёр. Томорқани кенгайтириш дегин.

Нодир. Ҳа. Ёмғирдан қочиб жалага учраганим шу бўлса керак.

Элёр. Тўғриси нима дейишгайм ҳайронман.

Нодир. Яхшиси бу гал ҳеч нима демагин. Ўзим ўйлаб қўраман нима қилиш кераклигини.

Юқорида келтирилган парчадан кўринадики, дўстининг маслаҳатига қулоқ солиб ота-онаси учун ҳам, ўзи учун ҳам маъқул ишни қилмоқчи бўлгани, аммо, қош қўяман деб куз чиқариб қўйгани намоён бўлади. Зеро, Нодир қанчалар кучли ишбилармон бўлмасин унинг табиатида соддалик ҳам борлиги сезилиб туради. 10-эпизодда эса бу янада яққолроқ ўз аксини топган.

Ёқуб тоға. Баракалла. Унда нега бозорга чиқишларига йўл қўйиб беряпсан?

⁶ Хайдар М. Сценарийнавислик маҳорати. – Тошкент: Мусиқа, 2009. – 64 б.

Нодир. Дадамлар ҳам, ойимлар ҳам айтганидан қайтмайдиган инсонлар. Буни биласиз. Одамлар нима деб ўйлайди, гап-сўз кўпаяди деб айтишимга қарамасдан бозорга чиқишди. Бозорда кун бўйи ўзларини қийнаб ўтиришмасин деб одам ёллаб, улар бозорга олиб борган нарсаларни ўзим улгуржи сотиб олаяпман. Буни улар билишмайди.

Ёқуб тоға. Гап буёғда дегин.

Нодир. Фақат бу гапларни ҳеч кимга айтиб қўйманг, Ёқуб тоға.

Ёқуб тоға. Сени сириг мени сирим. Хавотир олма.

Нодир ўзини оқлаш мақсадида Ёқуб тоғага ишониб ота-онасидан яшириб қилаётган ишини айтади. Лекин Ёқуб тоға бу гапни унинг отасига айтиб қўяди.

Нодир шунчаки ота-онасинининг кўнглини тушуна олмайди холос. Улар ўртасидаги ёш тафовути сабаб ҳаётга қарашлари, ўй-фикрлари фарқ қилади. Уларнинг келишмовчиликларига ҳам бош сабаб айнан шу.

Нодирнинг отаси. Айтганидан қайтмайдиган, меҳнаткаш инсон. Қариликни тан олмай деҳқончиликни ўзига овунчоқ қилиб олади. У учун одамларнинг гап-сўзлари ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Ота. Сизга ота-онадан кўра одамларнинг гапи азиз бўлиб қолдимиз, ўғлим? Нима, энди одамлардан сўраймизми қандай яшаш кераклигини?

Нодир. Дадажон, мени ҳам тушунинг. Ишим, обрўйим булар ҳақидаям ўйлаб кўринг.

Она. Бўлди, қизишманг, дадаси.

Ота. Минг афсус... Ўз ота-онасидан уяладиган ўғил ўстираман деб ўйламагандим.

Она - дунёдаги энг буюк зот! Гарчи ҳаётга қарашлари ўртасида зиддият бўлса-да, сценарийда онанинг ўз фарзандига меҳри сезилиб туради.

Она. Агар яна бир неча кун ишимиз шунақа бароридан келиб турса сюрпризимиз амалга ошади.

Ота. Худо холаса.

Она. Фақат шу Нодиржоними ўйлаб дилим ғаш. Болам бечораниям тушунаман.

Ота. Сенку уни тушунасан. Лекин у сени тушунмайди. Пул учун ўзларини уринтириб юрибди деб ўйлайди.

Она. Вақти келиб бизни тушунар.

Ота-онанинг буюклиги ҳар қандай ташвиш ва муаммони ўз гарданига олиши, фарзанди озор чекмаслиги учун тиканни ўзи босиши, фарзандининг бахт-саодати учун кези келса ўзини қурбон қила олишида. Нодирнинг ота-онасида ҳам бу буюкликни кўриш мумкин. Нодир йиғиб юрган пули йўқолганида отасидан шубҳаланиши отасини қаттиқ ранжитади. Унинг ота-онаси пулни ким ўғирлаганини билсаларда фарзандининг оиласини, тинчлигини ўйлаб лом-мим дейишмайди. Қуда-андалар орасига совук муносабат оралаши, бу эса фарзандларининг оиласи тинчлигига путур етказиши мумкинлигидан хавотир олишган. Сценарий сўнгида отаси вафотидан кейин қилган хатосини деб ўзини айбдор санаб қуйинаётган ўғлининг қалбига бироз бўлсада ёруғлик улашиш учун она асли ким ўғри эканлигини аввалдан билишгани ва отаси ўғлини тушунганини айтади.

Нодир. Айтмоқчи бўлган гапларим ичимда қолиб кетди, ойижон. Кечирим сўрашга улгурмадим. Бу дунёни мендан ранжиб ташлаб кетди. Бу азоб билан энди қандай яшайман.

Она. Эҳ, болам. Отанг сендан ранжимаган.

Нодир. Мен уларни айбдор қилдим, улардан шубҳаландим. Ўзимни ўзим кечира олмайман.

Она. Ундай дема. Отанг ҳаммасини биларди. Ўша куни мен уйда эдим. Уйқим бузилиб ўрнимдан тургандим. Ҳонадан чиқмоқчи бўлганимда Баҳром сени ҳонангдан қўлларида пул билан чиқиб кетаётганини кўрдим.

Нодир бошини кўтариб оёисига қарайди.

Она. Сен отангдан шубҳаланган кун мен дадангни ортидан ҳонага кирдим. Кўрганларимни айтиб бердим. Отанг пулни ким олганини билган эди.

Нодир. Нега? Нега менга айтмагандиз? Нима учун дадам индамади?

Она. Оиланг тинчлигини, куда-андачиликни ўйлаб, даданг бу гапни ҳеч кимга айтмасликни тайинлади. Акс ҳолда катта можаро бўлар эди.

Баҳромнинг қилган биргина айби қаҳрамонларга катта таъсир кўрсатди. У ишлари юрушмаган омадсиз, ёлғончи. Ўз яқинларига хиёнат қила оладиган персонаж. Унинг бу характери ота бола ўртасидаги кичик бўлган зиддиятни катталаштиради. Аммо, унинг маст ҳолатда айбини тан олиши яхшими ёмонми қилган ишидан пушаймонлигини кўрсатади.

Баҳром. Почча, алдаганим учун ҳам, пулингизни ўғирлаганим учун ҳам кечиринг.

Нодир. Тушунмадим?

Баҳром. Иш топдим деб опамни алдаб пул олдим. Пулларингизни сўрамасдан олиб чиқиб кетдим. Мени кечиринг, почча. Мен омадсизман, ҳеч кимга керагим йўқ. Фақатгина сиз мени одам ўрнида кўриб ҳурмат қилдингиз. Мен бўлсам... Мени кечиринг.

Ёқуб тоға эса ҳаёт қувончларидан баҳраманд, қарилик гаштини суриб юрган персонаж. У ўзи чўлоқ бўлгани сабаб ҳам меҳнат қила олмаслигини билади ва Нодирнинг ота-онасига бировз ғайрилиги келади. Шу боис, у Нодирдан фарқли ўлароқ меҳнат қилишларининг маъниси нимада эканлигини тушунсада, уларга ҳайрихоҳ эмасдек ўзини кўрсатади. Ҳар гал уларни бу ишдан қайтармоқчи бўлиб гап бошлайди. Натижада Нодирнинг сирини айтиб қўяди. Бу билан эса ўзи билмаган ҳолда Нодирнинг дадасини кўнглига қаттиқ зарба бериб қўяди. Албатта, Ёқуб тоға буни истамагани аниқ. У шунчаки ўзини ҳақ эканлигини кўрсатиш учунгина гапирганди.

Ота. Белимиздан куч-қувват кетиб қолибди, мен бўлса буни тан олмай юраверибман. Етиштирган хосилимиз ўз харидорини топганидан хурсанд бўлиб кампиримни қийнаб қўйганимни билмай қолибман.

Ёқуб тоға. Хақиқат аччиқ бўлса ҳам айтаман. Сен хурсанд бўлишинг учун ҳам сизларни эҳтиёт қилиш учун, бозорда кун бўйи ўтириб қийналиб

қолишмасин, деб Нодиржон ўша сен харидор деб билган йигитни ёллаб хар гал бозорга олиб чиққан хосилингни ўғлингни ўзи сотиб олиб юрганди.

Ота. *(Ёқуб тоғага хайрон бўлиб қараб)* Нима?

Ёқуб тоға. Нодиржонга даkki бермоқчи бўлганимда ўзи айтганди. Ўғлингни ташвишига ташвиш қўшма. Аксинча унга мадад бўл.Томорқани қўй энди.

Ота ерга тикилганича кўзидан ёш томчилай бошлайди.

Сценарийда ёмон иллатларга бой, золим, жоҳил персонажнинг ўзи йўқ. Шунга қарамай сценарий сўнгида зиддиятлар жиддий тус ола бошлайди. Мазкур сценарийга бадий рух бериб турган энг асосий жиҳатлардан бири характерлар табиийлиги ва хилма-хиллигидир.

Ишнинг тузилиши

Ушбубитирув малакавий ишим: асарнинг таҳлили, сценарийнинг тўлиқ шакли ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Умумий ҳажми 54 бетни ташкил этади.

Хулоса

Истиқлол йилларида ўзбек кинематографияси улкан муваффақиятларга эришилди. Узоқ йиллик ўзига хос анъаналарга эга ўзбек кино санъати турли жанрдаги экран асарлари билан бойиди.Халқимизнинг бой тарихи, орзу-умидлари, қувонч-у ташвишлари тасвирланган филмлар суратга олинди. Хусусан, Президентимизнинг 2004-йил 16-мартдаги “Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004-йил 17-мартдаги “Ўзбекино” Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда киносанъатининг ривожланишида янги имкониятларни очиб берди. Яқин йиллар ичида томошабинлар ҳукмига ҳавола этилган “Қўрғошин”, “Алданган аёл”, “Тубанлик”, “Паризод” каби фильмларнинг кенг жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олингани ва мазкур филмларнинг қатор халқаро танлов ва фестивалларда совриндор бўлгани ҳам фикримиз исботидир. Бугунги кунда ўзбек киносида чинакам изланишлар ва кашфиётлар

намунасини кўриш мумкин. Афсуски, енгил-елпи мавзуларнинг бениҳоя жўн талқинидан иборат, бадий баркамолликдан йироқ фильмлар ҳам кўпайиб бораётганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Томошабин учун давлат ёки нодавлат студияси деган омил бирламчи эмас. У ўз диди ва савиясига қараб, қайси фильмни томоша қилишни танлайверади. Маълумотларга кўра, бугунги кунда кино томошабинларнинг аксарият қисмини 16 ёшдан 26 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этаркан. Бугунги кунда деярли ҳар ҳафта янги фильм премьераси бўлмоқда. Лекин бу филмларнинг ҳаммаси ҳам бадий кино мезонларига мосми? Томошабинларга маънавий озуқа бўла оладими? Уларда хайрат ҳиссини уйғотадими? Фильм ижодкорларидан “кассабоп фильм бўлган”, “ёшлар учун керакли мавзу” ёки “ҳар бир санъат асарининг ўз томошабини бўлади” деган фикрларни тез-тез эшитиб турамиз. Аммо томошабин ҳар доим янгиликни, мукамалликни кўришни истайди. Ҳаётнинг тасвирини кино орқали кўриб, қаҳрамонлар билан бирга йиғлаши ёки уларнинг қувончига шерик бўлишлари керак. Филмларнинг аксарияти комедия жанрида олинмоқда. Сценарийнавислик бизда ҳануз бўш бўғин бўлиб қолмоқда. Чунки хусусий фильмларнинг деярли барчасида бирхиллик кўзга ташланади. Яхши сценарий олинажак фильмнинг ярим муваффақияти эканлиги айни ҳақиқат. Аксарият фильмларнинг мавзуси енгил-елпи севги-муҳаббат. Мисол учун, филмдаги қиз ёки йигит албатта бой хонадон ёки оиланинг ёлғиз фарзанди бўлади. Иккала ёшни бир – бирига етишиши воқеалар ривожини орқали танланган мавзу сингари саёз даражада ўз аксини топади. Филмлардаги севги мавзусининг сийқаси чиқиб кетган, десак муболаға бўлмайди. Бу туйғунинг буюклиги ёки унинг қалбдаги яширин ҳислари бугунги кунда ҳеч бир фильмда очиб берилаётгани йўқ. Оддий воқеалар асосида яратилган “Пойма-пой”, “Тилим-қурсин”, “Али, Вали, Ғани – Насиба қани?”, “Ёлғон дунё” каби фильмларнинг биронта сюжетида қаҳрамон ҳаёти билан яшамайди, киши. Аслида кино инсоннинг юрагига кириб бориши керак эмасми?! “Бойвачча”, “Нортой”, “Амакиваччалар” каби фильмларда комедия жанрида одамларни кулдириш мақсад қилиб олинган

бўлса-да, бачканалик бўртиб кетган. Ачинарлиси фильмда шевага хос сўзларнинг ишлатилиши кишининг ғашига тегади. Ўзбек адабий тилининг имкониятлари чексиз. Лекин хусусий киностудияларда суратга олинаётган фильмларга ном танланишида сўз танқислигини кўришимиз мумкин. Ким билсин, балки бу томошабинни жалб этиш усулидир. Мимика ёки бачканалик орқали бир сонияли кулгини яратиш учун суратга олинган фильм албатта бир марталик ликопчага ўхшаб қолиши мумкин.

Ана шундай саёз филмларга кетадиган маблағ миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини оширишга ундовчи ёки бугунги кундаги оддий одамнинг ўй-ташвиши, маънавияти ҳақида ўйлантирадиган фильмлар яратиш учун сарфланса, кионинг давр билан ҳамнафаслиги сезиларди. Кино маънавий ҳаётнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Шу сабабли унинг зиммасига муҳим масъулият юкланган. Кишилар қалбида миллий руҳни камол топтириш, уларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш, руҳий ва фикрий тараққиётини ўстиришга жиддий эътибор бериш мақсадида янги-янги имкониятлардан фойдаланган ҳолда мавзулар доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилиш керак. Ҳозир кўҳна тарихимиз ҳақида сўзловчи, бугунги миллий тикланиш ва янгиланиш жараёнини ёритувчи, порлоқ келажакка йўналтирувчи, анъаналаримиз, урф-одатларимиз ва қадриятларимизга ёшлар қалбида ҳурмат ва эҳтиром уйғотувчи чинакам миллий фильмлар яратиш пайти келди. Мен ўз битирув малакавий ишимда озми кўпми ана шу жиҳатларга эътибор қаратишга, шарқона ўзига хос миллийлигимизни, ота-онага ҳурмат ва эҳтиром инсонийлик ва фарзандлик бурчимиз эканлигини намоён этишга ҳаракат қилдим.

Ўзбек кинодраматургияси узоқ тарихга эга бўлиб, унинг ривожланиш босқичини ўрганиб таҳлил қилиш асосий омиллардан бири ҳисобланади. Зеро, ҳозирги замон кино санъати жадаллик билан ривожланиб бормоқдаки, кинодраматургиянинг бадиий жанрлари ортиб бориши сабаб бўляпти. Ўзбек кинодраматургиясининг илк фильмлари ҳозирги кунга қадар ҳам ўзининг машҳурлиги, қизиқарлилиги ва томошабоплилиги билан экран юзини

безатмоқда. Бирок, афсус билан тилга олинаётган ҳозирги ўзбек фильмларидаги мавзунинг саёзлиги, унинг тарбиявий аҳамияти ёшларга салбий таъсир этиши, миллий маданиятимизни “чертиши” долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Қўштирноқ ичидаги режиссёрларнинг фильм яратишда уларнинг асл нияти “чўнтак”ларини бойитиш. Ҳозирги глобллашув жараёнида ўзбек кино санъатига бундай юзаки ёндашувёшларнинг маънавий, тарбиявий жиҳатларига улкан зарба бермоқда.

Халқ онги ва тасаввурига адабиёт ва санъатдан бўлак кучли таъсир қиладиган, уни юксак маънавият чўққисига олиб чиқадиган куч ва омил кам топилади. Чунки, “Ажойиб шеърларни ўқиганингда қандайдир ғурур, ифтихор туйғуси пайдо бўладики, одам ўзини ҳам руҳан, ҳам жисман, ҳар нарсага қодир ҳис этади”.

Мустақиллигимиз, миллий давлатчилигимизнинг меъмори, диёримиздаги барча буюк ўзгаришларнинг ташаббускори бўлган юртбошимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов раҳнамолигида халқимиз буюк келажак йўлида дунёдаги манаман деган миллатларга ҳам кўпгина масалаларда ўрнатқ бўлиб, ўзининг энг янги тарих зарварақларига янги-янги ютуқ ва марраларини зарҳал ҳарфлар билан ёзиб келмоқда. “Нега деганда, биз буюк давлат ва миллат ворисларимиз, шунга муносиб тарзда буюк давлат кураимиз ва бугунги буюк миллатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олишимиз муқаррар”.⁷

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳар қандай соҳа инқирозга дуч келса ҳам, адабиёт ва кинодраматургия оқсамаслиги шарт. Зеро, миллат маънавияти ва руҳига, унинг онги ва қалбига маърифат улашишда адабиёт ва санъат энг кучли қуролдир.

⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон миллий иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – 210 б.

АЖАБТОВУР ТИЖОРАТ

(Киносценарий)

Тошкент 2016

1-эпизод

Қабристон. 40 ёшлардаги Нодир қабрлар оралаб юриб боради. Бир қабр ёнига келиб чўккалаб ўтиради. Экран қора рангга ўтади ва титр пайдо бўлади:

Титр: АЖАБТОВУР ТИЖОРАТ

2-эпизод

Хашаматли ҳовли. Раъно ишдан келган Нодирни кутиб олади.

Раъно. Ассалому алайкум! Яхши ишлаб келдизми, дадаси?

Нодир. Раҳмат. Уй тинчми?

Раъно. Ҳаммаёқ тинч.

Нодир. Ойим билан дадам кўринмайди?

Раъно. Томорқадан ҳали қайтишгани йўқ.

Нодир. Шу ёшда ўзларини қийнаб нима керак, ҳайронман. Уйда ҳамма нарса бор бўлса, нима кам бўлса олиб келсам. Қарилик гаштини суриб уйда маза қилиб дам олиб ўтиришса яхшимасми?!

Нодир ҳовлида жойлашган сўрига бориб ўтиради. Раъно стол устидаги сочиқ ўралган чойнакдан чой қуйиб узатади.

Раъно. Кўйинг, дадаси, бўғилманг.

Дарвоза эшиги очилиб, 70 ёшга яқин Нодирнинг ота-онаси қўлида иш қуроллари билан кириб келишади.

Она. Вой, Нодиржон болам ишдан қайтибди.

Нодир. Ассалому алайкум, ойи, дада.

Ота. Ваалайкум ассалом, чарчамай ишлаб келдингми болам?

Ҳамма сўрига чиқиб ўтиради. Раъно чой қуйиб узатади.

Она. Раънохон, овқатиз пишдимми?

Раъно. Ҳа, ойижон. Ҳозир сузиб келаман. *(Ошхона томонга қараб кетади)*

Нодир. Ойи, дада, шу иссиқ ҳавода ўзингизни қийнаб нима қиласиз? Маза қилиб уйда наваралар билан дам олиб ўтирсангиз бўлмайдими?

Она. Одам дам олишданам зерикаркан, болам.

Ота. Ҳали ёшсан. Вақти келганида бизни тушунасан.

Нодир гапирмоқчи бўлади, лекин индамайди.

Нодир. Кийимларимни алмаштириб чиқай, кейин бирга овқатланамиз.

3-эпизод

Ҳовлида Раъно уй ишларини қилиб юрибди. Дарвоза тақиллайди.

Раъно. Ҳозир...*(Бориб эшикни очади)* Вой, Баҳром!

Баҳром. Ассалому алайкум, опа.

Раъно. Ваалейкум ассалом. Кел, ичкарига кир.

Баҳром. Уйдагилар яхшими? Поччам яхшиларми?

Раъно. Раҳмат. Ҳаммалари яхши. Ўзинг тинчмисан? Ойим, дадамлар яхшиларми?

Баҳром. Яхшилар. Салом айтиб юборишди.

Раъно. Саломат бўлишсин. Бирга олиб келмабсанда.

Баҳром. Кейинги гал бирга келамиз. Поччам ишдаларми?

Раъно. Ҳа, ишга кетганлар. Уйда бир ўзим зерикиб ўтиргандим. Келганинг яхши бўлди.

Баҳром. Жиянларим қалай?

Раъно. Улар ҳам яхши. Бувимларникига борайлик дейишаётганди. Ўзингдан гапир. Иш топдингми?

Баҳром. Ҳозирча йўқ. Топилиб қолар. Олдизга иш билан келгандим.

Раъно. Яна пул керакми?

Баҳром. Ўзиз биласиз-ку, ишсиз бўлсам. Ишга жойлашсам ҳаммаси ўз йўлига тушиб кетади.

Раъно. Тезроқ иш топ. Бекорчиликдан фойда йўқ.

Баҳром. Опа, фақат яна бошламанг.

Раъно. Сенга гап гапириб бўлармиди. Сени ўйлаб гапираманда. Майли сен ўтириб тур, мен ҳозир. *(Ўйга кириб қўлида пул билан қайтиб чиқади)* Эҳтиёт қилиб ишлатгин, бекорчи нарсаларга сарфламай.

Баҳром. Раҳмат, опа. Мен қайта қолай, шошиб тургандим.

Раъно. Кечки овқатга қолсанг бўларди.

Баҳром. Бошқа сафар.

Раъно. Ўйдагиларга салом айт.

Баҳром. Яхши қолинг, опа *(кетади)*.

4-эпизод

Томорқа. Нодирнинг ота-онаси пишиб қолган помидор, бодринг, булғори қалампирларини сугориш, томорқа ишлари билан банд.

Ота. Буларни кўриб одамнинг кўзи қувнайди.

Она. Нимасини айтасиз. Меҳнатиз ўз мевасини берса дилингиз яйраб, чарчоғларингиз селдай чиқиб кетади.

Ота. Гапирма, онаси. Буларни энди бозорга олиб чиқсак ҳам бўлади.

Она. Тўғри айтасиз.

Томорқага чўлоқланиб қўлида ҳасса билан 80 ёшга яқин Ёқуб тоға кириб келади.

Ёқуб тоға. Ҳормасинлар энди, Аҳмаджон. Иш роса қизиганку а?

Ота. Эээ, Ёқуб тоға. Келсинлар, келсинлар.

Ёқуб тоға. Келдик. Тиним билмас экансанда, Аҳмаджон.

Она. Ассалому алейкум.

Ёқуб тоға. Волейкум ассалом. Ҳосил роса етилибдия.

Она. Биз ҳам ҳозиргина шуни гапириб тургандик.

Ота. Кампир билан маслаҳатлашиб, эртага бозорга олиб чиқсак бўларкан, деб тургандик.

Ёқуб тоға. Баракасини берсин. Шу ёшда шунча куч-қувватинг бор, кўз тегмасин.

Ота. Куч-қувватда сиздан қоламиз. *(Кулишади)*

Ёқуб тоға. Уйда дам олиб ётсанг нима қилади? Ўзингни уринтириб нима зарил. Ўғлинг катта ишбилармон бўлса.

Ота. Шунақа дейсиз-у, меҳнатнинг ўрни бошқада.

Она. Мана шу томорқани овунчоқ қилиб юрибмизда, Ёқуб тоға.

Ёқуб тоға. Ҳа яхши. Лекин меҳнат қиладиган даврдан ўтдик. Ҳозир қарилик гаштини сурадиган пайтимиз.

Ота. Бу гапларни қўйинг, ундан кўра мана шу помидор, бодринглардан сизга териб берай. Уйга олиб борарсиз.

Ёқуб тоға. Ҳа майли. Сенга йўқ деёлмайман. Яхши пишганларидан тергин, унда.

5-эпизод

Нодирнинг офиси. Нодир ва унинг дўсти Элёр суҳбатлашиб ўтиришибди.

Нодир. Хуллас, шунақа гаплар, Элёр. Ота-онамни тушунмайман. Нима етишмайди уларга, ўйлаб ўйимга етолмайман.

Элёр. Сен кўп сиқилма. Бирон нима ўйлаб топармиз. Уларниям тушунгин, ёшлик дамларини қўмсаб шу билан овуниб юришган бўлса буни нимаси ёмон.

Нодир. Ёмон деётганим йўқ. Одамлар нима дейди. Эл оғзига элак тутиб бўлармиди.

Элёр. Бу гапинг ҳам тўғри.

Нодир. Ҳар гал уйга қайтсам томорқадан келишмаган бўлишади. Хавотирлана бошлайман.

Элёр. Бирон чорасини топармиз. Вақт ҳам кеч бўлиб қолди. Уйга борақолайлик.

Нодир. Сениям бошингни оғритиб юбордим.

Элёр. Қўйсангчи мулозаматли гапларни. Ахир дўстмиз-ку.

Офисдан чиқиб кетишади.

6-эпизод

Ҳовли. Сўрида Нодир ва унинг ота-онаси, хотини, икки ўғли (бири 10ёш, иккинчиси 13ёш) овқатланиб ўтиришибди.

Ота. Келин, овқат роса ширин бўпти. Қўлиз дард кўрмасин.

Раъно. Ош бўлсин, дадажон. Яна сузиб берайми?

Ота. Раҳмат, тўйдим.

Нодирнинг ўғиллари ҳам овқатларини ичиб бўлишади.

Кичик ўғли. Раҳмат, ойижон.

Катта ўғли. Раҳмат, ойи,

Раъно. Ош бўлсин.

Она. Ўзимнинг паҳлавон набираларим.

Кичик ўғли. Дадажон, туғилган кунимга велосипед олиб берасиз-а.

Нодир. Олиб берман, ўғлим, албатта олиб бераман.

Кичик ўғли. Энг зўри, энг чиройлисиними?

Нодир. Энг зўри, энг чиройлисини олиб бераман.

Кичик ўғли. Урреее!!! (*Кулишади*)

Раъно. Энди дастурхонга омин қилиб, бориб дарсларни қилинглар.

Нодирнинг фарзандлари омин қилиб, туриб хоналари томон кетишади.

Ота. Ҳа отаси тушмагурларей, худди ўзингни ёшлигинг.

Нодир. (*жилмайиб қўяди*) Томорқада ишлар қалай кетяпти?

Ота. Яхши. Ҳосил пишиб етила бошлади. Шунга пишган пишганларини териб эртага бозорга олиб чиқмоқчи бўлиб турибмиз.

Нодир. (*ҳайрон бўлиб*) Нима? Бозорга?

Она. Ҳа, бозорга. Шунақанги серҳосил бўлганки.

Нодир. Бозорга олиб чиқиб нима қиласиз, ўзимиз уйда ишлатармиз.

Ота. Шунча ҳосилния? Уйгаям етади, бозоргаям.

Она. Бугун терганингни ишлатиб улгурмасингдан, эртага яна пишаверади. Кетини кетидан узмайди. Шунча ҳосилни уйда сақлаб, ачитиб нима фойда, болам.

Нодир. Томорқада ўзингизни уринтириб ишлаб юрибсизлар, каршилигимга карамай. Энди бўлса бозор. Буниси ошиб тушди, дада. Кўрга одам нима дейди. Нодир ота-онасини ташлаб қўйибди, боқолмай қолибди демайдими?

Она. Болам...

Нодир. Ойи, ўзиз бир ўйлаб кўринг.

Ота. Сизга ота-онадан кўра, одамларнинг гапи азиз бўлиб қолдими, ўғлим? Нима, энди одамлардан сўраймизми қандай яшаш кераклигини?

Она. Бўлди, қизишманг, дадаси.

Ота. Минг афсус... Ўз ота-онасидан уяладиган ўғил ўстираман деб ўйламагандим.

Нодир нима дейишини билмай қолади. Отаси туриб кетади.

Она. Дадаси, қўйинг жаҳл қилманг, дадаси...

Ота онанинг гапига аҳамият бермай хонаси томон кетади. Нодир ҳам ўз хонасига кириб кетади. Қайнона келин бир-бирларига қараб қолишади.

7-эпизод

Тонг. Раъно хонада фарзандларини мактабга отлантиряпти.

Раъно. Мактабда тўполон қилмай яхши бола бўлиб юринглар хўпми?

Катта ўғли. Хўп, ойижон.

Раъно. Кундаликка фақат “5” баҳо олинглар хўпми?

Кичик ўғли. Хўп, ойижон.

Катта ўғли. Ойижон...

Раъно. Лаббай, ўғлим.

Ката ўғли. Дадам менга яна янги велосипед олиб берсинлар. Ўзимники эскириб қолди. Котта бола бўлдим, коттароғини оберсинлар.

Раъно. Хўп, ўғлим, оберадилар.

Ховли. Нодир сўрида ўтирган ота-онаси билан ҳайрлашяпти.

Нодир. Бугун кеч қайтаман. Ҳамкорлар билан учрашувим бор. Хавотир олмай ўтиринглар.

Она. Хўп, болам. Ишинг бароридан келсин.

Нодир дадасига қарайди. Дадасининг юзидан хафалик сезилади. Нодир нима дейишни билмай, индамай қўяқолади. Уй ичидан унинг ўғиллари шошилиб чиқишади. Ортиларидан Раъно чиқади. Болалар бувиси ва буваси билан ҳайрлашиб дадасининг машинасига чиқишади. Раъно уларни кузатиб ортиларидан қўлини кўтариб ҳайрлашади.

8-эпизод

Нодирнинг офиси. Нодир ишлаб ўтирибди. Эшик тақиллатиб дўсти Элёр қўлида ҳужжатлар билан киради.

Элёр. Мумкинми?

Нодир. Кел, Элёр.

Элёр. Сўраган ҳужжатларингни олиб киргандим. *(ҳужжатларни олади, варақлай бошлайди)* Соат тўртда ҳамкорлар билан учрашувимиз борлиги эсингдами?

Нодир. Ҳа, эсимда.

Элёр. Соат тўрт бўлишига эса йигирма дақиқа қолди.

Нодир.*(соатга қараб)* Мен бўлса ҳали вақт бор, деб бемалол ўтирибман.

Элёр. Бугун ўзи ҳаёлинг жойидамас. Тинчликми?

Нодир.*(бироз хўрсиниб)* Дадамни ранжитиб қўйдим.

Элёр. Нега? Нима бўлди?

Нодир. Томорқада деҳқончилик қилиб юрганлари етмагандек энди бозорга чиқишмоқчи.

Элёр. Бозорга? Нега?

Нодир. Пишган нарсаларни сотиш учун. Кеча шуни деб тортишиб қолдик. Бу ҳаракатлари билан нимага эришишмоқчилар, ҳайронман.

Элёр. Гап буёғда дегин.

Нодир. Уларни бозорда ўтириб сотувчилик қилаётганини бизни таниган билганлар кўрса нима дейди. Шунча қилган меҳнатим, машаққатим, обрўйим ҳамма ҳаммаси улар учун, бекаму кўст яшаш учун бўлса.

Элёр. Сени тушунаман. Лекин улар билан тортишганингни фойдаси йўқ. шундай қилгинки, сих ҳам куймасин, кабоб ҳам.

Нодир. Нимани назарда тутяпсан?

Элёр. Сен улар бозорга олиб чиқаётган нарсаларни улгуржи сотиб ол . Бозорга олиб чиқмоқчи бўлган ҳосиллари унчалик кўп бўлмаса керак. Бу сен учун арзимаган ишқу.

Нодир.(*энсасини қотириб*) Кейин уларни ўзим сотиб ўтирайми?

Элёр. Йўқ. Уларни ўзимизнинг ошхонага топшир. Ошпазлар сотиб олади.

Нодир. Ҳм... Ҳўш, кейинчи.

Элёр. Фақат бу ишни ўзинг қилмайсан. Биронтасини юборарсан. Ота-онанг билмасин. Асосийси, улар ҳам хурсанд, сен ҳам. Бозорда кун бўйи ўтириб сотувчилик қилишмаса бўлди-да. Ҳеч ким ҳеч нарсани билмайди. Томорқага келсак, бироз чидашингга тўғри келади. Мавсум тугагачдала ишлари ҳам якунланади.

Нодир. Сен даҳосан, дўстим.

Элёр. Бу гапни кўп эшитганман. Муаммога ечим топилган бўлса энди учрашувга кеч қолмайлик.

Нодир. Юрақол.

Офисдан чиқиб кетишади.

9-эпизод

Бозор. Нодирнинг ота-онаси олиб келган нарсаларини аравага юклаб бозор ичига қараб юришяпти. Бозор дарвозаси олдида уларни ёш бир йигит тўхтатиб гапга солиди.

Йигит. Ассалому алейкум. Деҳқончиликми?

Ота. Волекум ассалом. Ўзимизни томорқадан.

Йигит. *(аравадаги маҳсулотларни текширган бўлиб)* Нархи қанчадан буларни?

Ота. Эл қатори, болам. Кўпроқ олсанг бозор нархидан арзонроқ берамиз.

Йигит. Ундай бўлса яхши. Ҳаммасини сотиб оламан. Помидор, бодрингларингиз, булғориям ҳам сифатли, ҳам мазали эканлиги кўриниб турибди.

Она. Чунки, ҳаммаси дорисиз табиий етиштирилганда, болам.

Ота. *(ҳайрон бўлиб)* Шунча кўп олиб нима қиласан?

Йигит. Ресторанда бош ошпаз ёрдамчисиман. Ҳар куни керакли масаллиқларни харид қилиш учун ўзим бозорга чиқаман.

Ота. Ҳаа, шунақа дегин. Бош ошпазинг бугун сендан жудаям хурсанд бўлади. Ишонавер.

Кулишади.

10-эпизод

Ҳовли. Раъно уй ишлари билан банд. Ота-онаси эса ўз хоналарида. Онаси жовондан ичига пул ўралган дастрўмолни олиб отага узатади.

Она. Бир неча кундан бери бозоримиз яхши.

Ота. Нимасини айтасан. Ошпаз болам, ҳар куни бизни кутади.

Она. Яна бир неча кун ошпаз бола шунақа улгуржи сотиб олиб турса сюрпризимизни амалга оширсак бўлади.

Ота. Худо хоҳласа.

Она. Фақат шу Нодиржонимни ўйлаб дилим ғаш. Болам бечораниям тушунаман.

Ота. Сенку уни тушунасан. Лекин у сени тушунмайди. Пул учун ўзларини уринтириб юришибди, деб ўйлайди.

Она. Вақти келиб бизни тушунар.

Ота. Одам қариса бошқалар учун ўтирса ўпоқ турса сўпоқ бўлиб қолар экан.

Ота дастрўмолдаги пулга чўнтагидаги пулни чиқариб қўшади ва қайта ўраб онага узатади. Она уни олиб олган жойига қайтиб қўяди.

II-эпизод

Маҳалла. Нодир машинасида ўз уйи ёнига келиб тўхтайди. Машинадан тушиб дарвоза томон юради. Ортидан уни чақирган овозни эшитиб ўгирилиб қарайди. Сал нарироқдан Ёқуб тоға келаётганини кўради.

Нодир. Ассалому алейкум, Ёқуб тоға.

Ёқуб тоға. Волейкум ассалом, болам.

Нодир. Соғлиқларингиз яхшими?

Ёқуб тоға. Оллоҳга шукур, ёмон эмас. Ишдан қайтдингми?

Нодир. Ҳа, бугун вохлироқ бўшагандим.

Ёқуб тоға. Яхши... Ойинг дадангни соғлиги яхшими?

Нодир. Раҳмат, яхшилар.

Ёқуб тоға. Улардан Ҳавотир оламан. Шу ёшда деҳқончилик қилишсая. Шунча гапирдим уларга, ўзларини чарчатиб, қийнаб нима зарил деб. Маза қилиб чойхонада гурунглашиб, қариликни гаштини суриб юришса яхшимасми. Даданг жуда қайсар одамда.

Нодир. Мен ҳамшуни ўйлаганим ўйлаган. Лекин уларга шу ёқаётган бўлса нимаям қилардим.

Ёқуб тоға. Бу ҳам етмагандек, бозорга чиқишяпти. Ўтган куни чойхонада гап бўлди.

Нодир. Қанақа гап?

Ёқуб тоға. Нодиржон ота-онасига қарамай қўйибди, ўзларини ўзи боқиш учун бозорга чиқишаётган экан, деган гапларда, болам.

Нодир. Ёқуб тоға, ҳеч ҳам унақа эмас. Уларни тун-у кун ўйлайман. Мен учун аввало ота-онам. Кўнгилларига қарашга ҳаракат қиляпман, гарчи қилаётган ишлари ёқмаётган бўлсада.

Ёқуб тоға. Унда нега бозорга чиқишларига йўл қўйиб беряпсан?

Нодир. Ота-онам айтганидан қайтмайдиган инсонлар. Буни биласиз. Одамлар нима деб ўйлайди, гап-сўз кўпаяди дейишимга қарамасдан бозорга чиқишяпти. Бозорда кун бўйи ўзларини қийнаб ўтиришмасин деб одам ёллаб улар бозорга олиб бораётган нарсаларни ўзим улгуржи сотиб оляпман. Буни улар билишмайди.

Ёқуб тоға. Гап бу ёғда дегин.

Нодир. Фақат бу гапларни ҳеч кимга айтиб қўйманг, Ёқуб тоға.

Ёқуб тоға. Сени сириг мени сириг. Ҳавотир олма.

Нодир Ёқуб тоға билан ҳайрлашади. Дарвозани очиб уйга киради. Сўрида унинг ота-онаси ўтирибди. Нодир ота-онаси билан саломлашиб ёнларига ўтиради.

Нодир. Раъно қани?

Она. Ошхонада. Овқат пиширяпти.

Нодир. Ҳа яхши. Ҳозиргина Ёқуб тоғани кўргандим. Салом айтди.

Ота. Саломат бўлсин.

Нодир. Томорқада ишлар қалай? Яхши кетяпдими?

Она. Ҳа, болам. Ишимиз анча енгиллаб қолди.

Ота. Яқинда мавсум тугайди. Шу масалада сен билан гаплашмоқчи эдим.

Нодир. Ҳўп, кулоғим сизда.

Ота. Бозорда кун бўйи ўтириб ўзимизни чартчатиб қўйишимиз мумкинлигини, соғлигимизни ўйлаб хавотир олишингни биламиз. Лекин, биз кун бўйи бозорда ўтиришимизга хожат қолмаяпти. Ҳар гал олиб борган нарсаларимизни бир ошпаз йигит ҳаммасини сотиб олаяпти.

Нодир. Ростданми? Бу яхшику.

Она. Бирам яхши бола. Фақат ўзимга сотинглар дейди.

Ота. Қанча кўп бўлса олавераман, дейди.

Нодир. Қанча бўлса олаверарканми, ажойиб.

Ота. Шунга сендан бир ёрдам сўрамоқчиман.

Нодир. Ҳўп, дада. Нима қилиш керак?

Раъно чойнакда чой ва пиёлалар олиб келибстолга қўяди. Ҳаммага чой қуйиб узатади.

Ота. Менга пул бериб турсанг, онанг билан маслаҳатлашиб томорқани кенгайтиришга қарор қилдик. Кўпроқ маҳсулот етиштириш учун.

Нодир чой ҳўплаётган жойида отасининг гапини эшитиб тиқилиб қолади.

Она. Вой, болам, эҳтиёт бўлгин. Шошмасдан ҳўпласангчи.

Нодир. Чой иссиқлиги ҳаёлимда йўқ, ҳўплаб юборибман.

Ота. Мен бўлса гапимни эшитиб тиқилиб қолдингмикан, деб ўйлабман.

Нодир. Йўғе, дада. Яхши фикр. Томорқани кенгайтириш яхши фикр.

12-эпизод

Тонг. Раъно фарзандларини мактабга отлантиряпти. Ховлида Нодир ота-онаси билан ҳайрлашиб машинасига ўтиради ва ўт олдиради. Уй ичидан ўғиллари югуриб чиқадди. Ортларидан Раъно чиқади. Фарзандлар, бувиси ва буваси билан ҳайрлашиб машинага ўтиришади. Машина секин-аста ҳаракатланиб ҳовлидан чиқади. Раъно уларни ортидан қўлини кўтариб ҳайрлашганича кузатиб қолади.

13-эпизод

Нодирнинг офиси. Нодир ва Элёр суҳбатлашиб ўтиришибди.

Элёр. Томорқани кенгайтириш, дегин.

Нодир. Ҳа. Ёмғирдан қочиб жалага учраганим шу бўлса керак.

Элёр. Тўғриси нима дейишгаям ҳайронман.

Нодир. Яхшиси бу гал ҳеч нима демагин. Ўзим ўйлаб кўраман нима қилиш кераклигини.

Элёр. Майли, нима десанг, шу. Майли, ҳонамга борақолай. Акс ҳолда, ишларим битмай қолади. *(хонадан чиқиб кетади)*

Ҳовли. Дарвоза тақиллайди.

Раъно. Ҳозир... *(бориб эшикни очади)* Баҳром, ўзингмисан укажон.

Баҳром. Ассалому алейкум, опа.

Раъно. Волейкум ассалом. Кел, ичкарига кир.

Сўрига бориб ўтиришади. Дуо қилишади.

Раъно. Тинчмисан, укажон? Ишларинг яхшими?

Баҳром. Яхши раҳмат. Поччам, жиянларим яхшими?

Раъно. Ҳаммаси яхши. Уларни ишга мактабга кузатдим.

Баҳром. Қайнона қайнотез яхшими?

Раъно. Улар ҳам соғ-саломат. Ойимларни қон босими бироз кўтарилгани учун бугун томорқага чиқишмади.

Баҳром. Ҳозир яхшиларми?

Раъно. Ҳа, дам олиб ётгандилар ичкарида.

Баҳром. Иш топдим.

Раъно. Вой, ростданми? Жуда яхши бўлибди. Кўча санғишларингни йиғиштираркансанда энди.

Баҳром. Гапирманг. Ишламасам бўлмайди. Бекор юриш ўзимнияж жонимга тегди. Яхши иш чиқиб қолди. Қўлдан бой бериб қўймай ишқилиб.

Раъно. Нега унақа деяпсан?

Баҳром. Ишни бир танишим топганди. Шунга уни рози қилишим керак. Кейин ишга қабул қилишади.

Раъно. Пулми?

Баҳром. Ҳа. 500 минг сўм беришим керак.

Раъно. Хавотир олма. Поччангни пулидан олиб бераман. Поччангга ўзим тушунтираман. Муҳими ишли бўволасан.

Баҳром. Шунга ёрдам сўраб келгандим ёнига.

Раъно. Сен ўтириб тур, мен ҳозир олиб чиқаман.

Раъно хонага кириб кетади. Баҳром атрофга бир қараб олади. Раъно қўлида пул билан қайтиб чиқади.

Раъно.*(пулни узатиб)* Фақат бошқа нарсаларга ишлатиб юбормагин, хўпми?

Баҳром. Хўп, опа, хавотир олманг.

Раъно. Кечки овқатга қолгин, поччанг, жиянларинг билан кўришиб кетардинг.

Баҳром. Майли, уларни кўрмаганимгаям анча бўлди.

Раъно. Унда мен ошга уннай. Сен зерикмай ўтир. Хохласанг ичкарига кириб телевизор кўргин.

Баҳром. Ичкарига кириб телевизор кўриб ўтираман.

Раъно ошхона томонга, Баҳром уй ичига қараб кетадилар.

15-эпизод

Ошхона. Раъно савзи артыпти. Ховлидан қайнотасининг овози эшитилади.

Ота. Раънохон...

Раъно ошхонадан туриб жавоб қайтаради.

Раъно. Лаббай, дада.

Ота. Мен чойхонага ўтиб келаман. Ойиз сўраб қолсалар, бироздан кейин келарканлар, деб айтиб қўярсиз.

Раъно. Хўп, уйфонсалар айтиб қўяман.

Савзи артишда давом этади.

16-эпизод

Чойхона. Ёқуб тоға, Нодирнинг дадаси ва бир неча чоллар сўрида чой ичиб суҳбатлашиб ўтиришибди.

Ёқуб тоға. Бугун томорқага чиқмабсанда.

Ота. Кампиримнинг қон босими кўтарилгани учун бугун дам олдик.

Ёқуб тоға. Доктор чақирдингизми?

Ота. Ҳа, келиб укол қилиб кетишди. Ҳозир ухлаб ётибди, уйда.

Ёқуб тоға. Сенга кўп гапирдим, ўзингизни қийнаманг, деб. Нодиржонни ишлари яхши бўлса. Давру даврон сўрамайсанми?!

Ота. Меҳнатда катта бўлганмизда. Меҳнат қилмасак, уйда дам олиб ўтираверсак, ана унда ёмон. Меҳнат билан одам овунади, вақт ўтганини сезмайди.

Ёқуб тоға. Бу гапинг ҳам тўғри.

Ота. Ўзиздан гапиринг, Ёқуб тоға, набиралар чарчатиб қўйишмаяптими?

Ёқуб тоға. Данагидан мағзиширин бўларкан. Улар билан мен ҳам ўзимни ёш боладай ҳис қиламан.

Ота. Тўғри айтасиз, мағзи тотлироқ... Мен борақолай энди.

Ёқуб тоға. Мунча шошмасанг?

Ота. Бироз ишларим бор эди. Йўл-йўлакай киргандим.

Ёқуб тоға. Ҳа майли, кампирингни эҳтиёт қил.

Ота. Бирон кун набираларни олиб бизникига меҳмонга ўтинг.

Ёқуб тоға. Худо холаса.

Ота. Яхши қолинглар. *(ҳамма билан ҳайрлашиб кетади)*

17-эпизод

Ҳовли. Дарвоза очилиб Нодир кириб келади. Уни кўрган ўғиллари дадасининг ёнига бориб саломлашадилар. Нодир сўрида ўтирган ойиси ва Раънони олдига келиб ўтиради.

Нодир. Дадам қанилар?

Она. Даданг чойхонага чиққандилар. Ҳали замон келиб қолсалар керак.

Нодир. *(Раънога юзланиб)* Нима овқат қилдинг?

Раъно. Боя Баҳромжон келганди. Кечки овқатга қолади, деб ош бошлаб қўйгандим. Лекин иши чиқиб қолди шекилли, кетмасам бўлмайди, деб шошиб кетиб қолди.

Нодир. Ишлари жойидамикан?

Раъно. Ҳа, иш топибди.

Нодир. Ҳа яхши, омадини берсин.

Она. Ошни даданг келса дамлармиз, деб кутиб ўтиргандик.

Нодир. Унда мен кийимларимни алмаштириб чиқай.

Хонага кириб кетади. Дарвоза эшиги очилиб ота кириб келади. Кетидан эса велосипед кўтарган бир йигит киради.

Ота. Кел, болам, мана бу ерга қўй.

Йигит велосипедни кўрсатилган жойга қўяди. Ташқарига чиқиб яна бир велосипедни олиб кириб биринчисининг ёнига қўяди.

Ота. Раҳмат сенга, болам. Умрингдан Барака топ.

Йигит кетади. Раъно бўлаётган ҳодисани хайрон бўлиб кузатади. Ўғиллари эса велосипедлар ёнига бориб уни томоша қилишади.

Ота. Хўш, ёқдимми?

Катта ўғил. Ёқди. Бу бизгами?

Ота. Албатта сизларгада.

Кичик ўғил. Ростдан бизга олиб келдингизми?

Ота. Ахир ўзинг велосипед ҳохлаётгандинг-ку.

Болалар ҳурсанд бўлиб велосипедни ҳовли ичида мина бошлайдилар. Ота сўрига келиб ўтиради.

Ота. Буларни ҳурсандчилигини кўринг.

Раъно. Дадажон, овора бўлиб нима қилардиз.

Ота. Ўзимнинг набираларим бўлса, овворагарчилиги бораканми.

Ичкаридан Нодир чиқади.

Нодир. Тинчликми? Бунча шовқин?

Катта ўғил. Дада, қаранг, бувам бизга велосипед олиб келибдилар.

Кичик ўғил. Дада, велосипедим зўраканми?

Нодир. Жудаям зўр. *(сўрига бориб ўтиради)* Туғилган кунларига ҳали бор эдию, дада.

Ота. Ойинг билан анчадан бери пул йиғиб юргандик. Набираларимизга бир сюрприз қилайлик дегандик.

Раъно. Раҳмат, дада.

Нодир. Айтганингизда бирга бориб келардик.

Ота. Унда сюрприз бўлмай қолардида.

Она. Келин, энди ошни дамласангиз ҳам бўлади.

Раъно. Хўп ойижон. *(ошхона томон кетади)*

18-эпизод

Ошхона. Раъно гуруч ювяпти. Нодир киради.

Нодир. Болалардан кўра дадамнинг ўзи кўпроқ хурсанд бўлдилар.

Раъно. Набираларини хурсанд қиламан деб, шунча меҳнат қилиб пул йиғибдилар. Ойим ҳам, дадамлар ҳам ажойиб инсонлар. Биз ҳам уларга ўхшаб қарисак, бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Нодир. Нима дейсан, дадамга томорқани кенгайтириш учун пул берайми, йўқми? Менга қолсаку умуман ҳоҳламайман. Баттар қийналиб қоладиларми, деб ўйлаябман.

Раъно. Мен ҳамшуни ўйлаяпман. Лекин, йўқ десангиз ўксиб қолишлари мумкин. Ёрдам берақолинг. Ўзим уларга қарашиб юраман. Уларни хурсанд қилиб, дуосини олайлик.

Нодир. Йўқ десам, барибир айтганларини қилиш учун бошқа йўлини қидирадилар. Йиғиб юрган пулим жойидами? Шуни дадамга берақолай.

Раъно. Ўша жойида. Айтганча, у пулдан 500минг сўм олгандим. Боя Баҳром келганида пул сўраганди. Иш топдим, фақат озгина ҳаражати бор деганди.

Нодир. Ёрдам бериб тўғри қилибсан. Ишлари юришиб кетса, ўзини ўзи эплаб олади.

Нодир ошхонадан чиқади.

19-эпизод

Нодир ўз хонасига киради. Жавонни очиб пулни олмоқчи бўлиб қидиради. Топмагач хайрон бўлади.

20-эпизод

Ошхона. Раъно қозон бошида, қозонга зира сепиб қозоннинг қопқогини ёпади.

Ошхонага Нодир киради.

Нодир. Пулни бошқа жойга олиб қўймаганмидинг?

Раъно. Йўқ. Ҳар доимги жойида эди. Тинчликми?

Нодир. Топа олмадим, шунга сўрадим.

Раъно. Ростданми?

21-эпизод

Хона. Нодир ва Раъно киради. Раъно жавон ичидан пулни қидира бошлайди.

Топа олмайди.

Раъно. Боя шу ерда турганди.

Нодир. Балки, дадам олгандирлар.

Раъно нима дейишни билмай индамайди.

22-эпизод

Ҳовли. Сўрида Нодир ва ота-онаси, хотини, болалари ош еб ўтиришибди.

Ота. Илтимосимни ўйлаб кўрдингми?

Нодир тушунмай ҳайрон қарайди.

Ота. Томорқани кенгайтиришни айтяпман.

Нодир.(*бироз сукут сақлаб*) Дада, тўплаб юрган пулим бор эди. Шуни сизга бермоқчи бўлгандим. Ўша пул жойида йўқ. Мен ўйлагандимки, пулни олиб ишни бошлаб юборгансиз.

Ота. Сендан сўрамай туриб пулингни олармидим, ўғлим.

Нодир. Раънодан сўрагандим, билмайман, деди. Сиз ҳам олмаган бўлсангиз ерга кириб кетмагандир.

Она. Сен ўз отангдан шубҳаланяпсанми, болам?

Нодир. Йўқ, ойижон, мен шунчаки...

Ота. Ёрдам беришни хоҳламас экансан, шунчаки йўқ деб қўя қолсанг нима қилади, ўғлим. Баҳоналар ўйлаб топмасдан.

Нодир. Баҳона эмас бу, мен ростдан ёрдам бермоқчи эдим. Лекин...

Отаси ўғлининг гапини охиригача эшитмай ўрнидан туриб хонасига кириб кетади.

Нодир. Ойи, мен...

Она. Бас, бошқа гапирма. (*Ўрнидан туриб отанинг ортидан хонага кириб кетади*).

Нодир билан Раъно бир-бирига қараганича қолади.

23-эпизод

Нодир ўз офисида ишлаб ўтирибди. Телефон жиринглайди. Гўшакни кўтаради.

Нодир. Алло!.. Раъно, тинчликми?.. Нима?.. Қайсишифохона?..

24-эпизод

Шифохона. Врач қабулида Нодир ва дадаси ўтирибди.

Врач. Қон босими кўтарилиб кетганидан ҳушини йўқотган. Ҳозир аҳволи яхши. Уларни эҳтиёт қилинг. Ортикча ҳаракат ва иссиқ ҳавода кўп юрса, бу ҳолат яна такрорланиши мумкин. Асабийлашиш, шовқин-сурон мумкин эмас. Мана бу дориларни қабул қилиб юрсинлар. (*Дорилар рўйхати ёзилган қогоз узатади*).

25-эпизод

Шифохона коридори. Коридордаги ўриндиқларда Нодир ва дадаси ўтирибди.

Нодир. Ҳалиям томорқани кенгайтирмоқчимисиз? Албатта кенгайтирасиз. Айтганини қиладиган инсонсизку, тўғрими? Майли, кенгайтиринг. Ойимнинг ахволи бунданам баттар ёмонлашиши учун кенгайтиринг.

Ота. Демак, яна мен айбдорман. Пулни олган ҳам мен, ойингни шифохонага туширган ҳам мен, шундайми?

Нодир. Томорқада деҳқончилик қилишни сиз хоҳладингиз, мен эмас. Вақти келганда бизни тушунасан, одамлар гап-сўзи азиз бўлдим, деб менга гапирган ҳам сиз. Уйда фақатгина сизга катта пул керак эди. Сиз сўрамагунча пул жойида эди. Нима деб ўйлашни билмай қолдим. *(Ўрнидан туриб ойиси ётган палатаг кириб кетади).*

26-эпизод

Ҳовли. Ошхона. Раъно патнисга нон, чой, косада овқат сузиб қўяди. Патнисни кўтариб ошхонадан чиқиб кетади.

27-эпизод

Хона. Ерга тўшалган жой устида Нодирнинг ойиси ётибди. Хона эшиги очилиб патнис кўтарган Раъно кириб келади.

Раъно. Ойижон, тушлик қилиб олинг.

Она. Қизим, сизниям қийнаб қўйдим.

Раъно. Қўйсангизчи, ойижон. Хизматингизни қилиш мени бурчим.

Она. Умрингиздан барака топинг. Бу кунлар ҳам ўтиб кетар.

Раъно. Албатта ўтиб кетади. Худо хоҳласа кўрмагандек бўлиб кетасиз. Раъно ойисини овқатлантира бошлайди.

28-эпизод

Томорқа. Нодирнинг отаси бир четда ҳомуш ўтирибди. Томорқага Ёқуб тоға кириб келади.

Ёқуб тоға. Сени шу ердан топишимни билгандим.

Ота. Келинг, Ёқуб тоға. Ҳаёл билан келганингизни сезмай қолибман.

Ёқуб тоға. Бир хабар олай деб уйингизга киргандим, сени чикиб кетганлигингни айтишди. Ҳойнаҳой шу ерда бўлса керак, деб келавердим.

Ота. Бошқа қаерда ҳам бўлардим.

Ёқуб тоға. Эндиям бу ишларингни қўй. Кампирингни эҳтиёт қил, ёнида бўл. Ўғлингни ҳам тушунишга ҳаракат қил.

Ота. Белимиздан куч-қувват кетиб қолибдию, мен бўлса буни тан олмай юраверибман. Етиштирган ҳосилимиз ўз ҳаридорини топганидан хурсанд бўлиб кампиримни қийнаб қўйганими сезмабман.

Ёқуб тоға. Ҳақиқат аччиқ бўлса ҳам айтаман. Сен хурсанд бўлишинг учун ҳам сизларни эҳтиёт қилиш учун ҳам бозорда кун бўйи ўтириб қиналиб қолишмасин, деб Нодиржон ўша сен ҳаридор деб билган йигитни ёллаб ҳар гал бозорга олиб чиққан ҳосилингни ўзи сотиб олиб юрганди.

Ота. (Ёқуб тоғага ҳайрон бўлиб қарайди) Нима?

Ёқуб тоға. Нодиржонга дакки бермоқчи бўлганимда ўзи айтганди. Ўғлингни ташвишига ташвиш қўшма. Аксинча унга мадад бўл. Томорқани қўй энди.

Нодирнинг дадаси жимгина ерга тикилиб қолади. Кўзидаан ёш томчилай бошлайди.

29-эпизод

Тун. Ётоқхона. Нодир ва Раъно ухлаб ётибди. Ташиқарида ёмғир шаррос қуйиб ёгаётгани эшитилади. Дарвоза тақиллайди. Нодир уйғониб қулоқ тутади. Дарвоза тақиллаётганини эшитади. Ўрнидан туриб ташиқарига чиқади.

30-эпизод

Ҳовли. Дарвозахона. Дарвоза олдига Нодир келади.

Нодир. Ким у?

Баҳром. Бу мен, Баҳромман. Баҳром.

Нодир. Баҳром?

Нодир эшикни очади. Эшик олдида оёғида тура олмайдиган даражада маст ҳолда Баҳром турибди.

Нодир. Баҳром, тинчликми? Алламаҳалда бу аҳволда юриш нимаси?

Баҳром.(*аранг тили айланиб*) Почча, мени кечиринг. Айб иш қилиб қўйдим.

Нодир. Ичкарига кириг. Уйда гаплашамиз. Ҳаммаёғиз ивиб кетибди.

Баҳром. Йўқ. Кирмайман. Шу ерда гаплашмоқчиман, илтимос.

Нодир. Нима гап ўзи?

Баҳром. Фақатгина сиз мени ҳурмат қиласиз, менга ёрдам берасиз. Мен эса, омадсизман.

Нодир. Уйга юринг, ётиб дам олинг. Эртага гаплашармиз.

Баҳром. Йўқ. Эртага айтолмайман. Айтсам, ҳозир айтаман.

Нодир. Тинчликми ўзи?

Баҳром. Почча, алдаганим учун, пулингизни ўғирлаганим учун мени кечиринг.

Нодир. Тушунмадим?

Баҳром. Ишга жойлашдим деб опамни алдаб пул олдим. Пулларингизни сўрамасдан олиб чиқиб кетдим. Мени кечиринг, почча. Мен омадсизман, ҳеч кимга керагим йўқ. Фақатгина сиз мени одам ўрнида кўриб ҳурмат қилдиз. Мен бўлсам... Кечиринг.

Нодир жим бўлиб қолади. Дарвозадан ичкарига кириб эшикни ёпиб олади.

Баҳром ташқарида қолади. Нодир турган жойида қотиб қолади.

Ташқаридан эса, Баҳромнинг қайта-қайта кечирим сўраётгани эшитилади.

31-эпизод

Ҳовли. Эрта тонг. Ёмғир тинган. Нодир сўрида ҳаёл суриб ўтирибди. Тарновлардан сувнинг томчилаётгани эшитилиб турибди. Секин ўрнидан туриб ота-онаси ётган ҳона томон юради.

32-эпизод

Нодирнинг ота-онаси ухлаб ётган ҳона. Эшик очилиб, Нодир киради. Ухлаб ётган отасининг оёғи томонга келиб ўтиради. Кўзларидан ёш оқа бошлайди. Ойиси уйғониб кетади.

Она. Нодиржон, ўғлим, бирон гап бўлдимми?

Нодир дадасининг оёқларига бошини қўйиб йиғлай бошлайди.

Нодир. Мени кечиринг, дадажон. Мен ноқобилни кечиринг.

Она. Болам, одамни қўрқитмасдан гапирсангчи, нима бўлди?

Нодир. Сиздан шубҳаланган ғофил ўғлингизни кечиринг, ота!

Отаси қимирламай ётади. Онаси отанинг юзига қараб жимиб қолади. Секин юзини ушлаб кўради. Бақириб юборади.

Она. Дадаси, дадажониси...

33-эпизод

Жаноза ўқилаётгани эшитилади. Кадрда томорқа, ҳеч кимса йўқ чойҳона, ҳеч ким йўқ ҳовли, одам йўқ бозор кўринади.

34-эпизод

Хона. Нодир ойисининг оёғига бошини қўйиб ётибди. Она ўғлининг бошини силаб ўтирибди.

Нодир. Айтмоқчи бўлган гапларим ичимда қолиб кетди, ойижон. Кечирим сўрашга улгурмадим. Бу дунёни мендан ранжиб ташлаб кетди. Бу азоб билан энди қандай яшайман?

Она. Эҳхх, болам. Отанг сендан ранжимаган.

Нодир. Мен уларни айбдор қилдим. Улардан шубҳаландим. Ўзимни ўзим кечира олмайман.

Она. Ундай дема. Отанг ҳаммасини биларди. Ўша куни мен уйда эдим. Уйқим бўлиниб ўрнимдан турдим. Хонадан чиқмоқчи бўлганимда Баҳром сени хонангдан қўлларида пул билан чиқиб кетаётганини кўрдим.

Нодир бошини кўтариб ойисига қарайди.

Она. Сен отангдан шубҳаланган кун мен дадангни ортидан хонага кирдим. Кўрганларимни айтиб бердим. Отанг пулни ким олганини билган эди.

Нодир. Нега? Нега менга айтмагандиз? Нима учун, дадам индамадиларми?

Она. Оилинг тинчлигини, куда-андачиликни ўйлаб даданг бу гапни ҳеч кимга айтмасликни тайинлаганди. Акс ҳолда котта можаро бўлар эди. Раънохоннинг ҳам хабари йўқ. У бечора ўзини айбдор ҳис қилмасин, қудачиликка раҳна тушмасин деб бу гапларни ичимизга ютдик.

Нодир.*(бошини онасининг оёқларига қайта қўйиб)* Аввалроқ айтганингизда ўзим тинч йўл билан ҳал қилар эдим. Дадамни ҳам ранжитмаган бўлармидим.

Она. Ҳаммаси Оллоҳдан. Шу ёшимизда бир оёғимиз ерда бўлса, бир оёғимиз гўрда. Уйда дам олиб ўтириш – бу ўлимнинг кутиб ўтиришдир. Шунинг учун ҳам даданг билан томорқада меҳнат қилиб юрдик. Умримиз поёнига етиб бораётганини эсдан чиқариш учун томорқани ўзимизга овунчоқ қилган эдик. Бу дунёга ҳеч ким устун бўлолмайди. Лекин умрингни мазмунли ўтказиш инсонни ўзига боғлиқ.

Нодир. Мени кечиринг, ойижон. Сизларни тушунмаганим учун кечиринг.

Она. Ўзингни айблама. Куюнма. Пешонада боридан қочиб бўлмайди.

Она ҳамон ўглининг бошини силаб ўтирибди.

35-эпизод

1-эпизоддаги кадр. Қабристон. Нодир қабрлар оралаб юриб боради. Бир қабр ёнига келиб чўккалаб ўтиради. Қуръон тиловат қилади.

36-эпизод

Томорқа. Нодирнинг томорқада меҳнат қияпти. Фонда у ўқиётган Қуръон тиловат эшитилиб туради.

Тамом .

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон миллий иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993.
2. Хайдар М. Сценарийнавислик маҳорати. – Тошкент: Муסיқа, 2009.
3. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
4. Абулқосимова Х. Кинотеледраматургия асослари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2009.
5. Абулқосимова Х. Кино санъати асослари. – Тошкент: Ўзбек миллий энциклопедияси давлат миллий нашриёти, 2009.
6. Алиев М. Кино асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993.
7. Акбаров Ҳ. Сехрли дур. – Тошкент: Гофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.
8. Акбаров Ҳ. Адабиёт ва кино. – Тошкент: Фан, 1981.
9. Халқ сўзи. № 237. 06.12.2014.